

XDP

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№35-36, 2022-yil
1-sentabr,
payshanba (32.730)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi



«МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»



САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, нуфузли сиёсатчилар, таниқли жамоат ва дин арбоблари, етакчи халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар раҳбарларидан қутлов ва телеграммалар келмоқда.

Мақтубларда мамлакатимиз томонидан мустақиллик йилларида эришилган юксак ютуқлар ҳамда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг кенг эътирофга сазовор бўлган улкан натижалари алоҳида қайд этилган. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида олиб борилаётган стратегик сиёсат тўлиқ қўллаб-қувватланган.

Хорижий етакчилар ва ҳамкорлар амалга оширилаётган конструктив ва проактив ташқи сиёсат ўз самараларини бераётганини таъкидлаб, давлатимиз раҳбарининг глобал ва минтақавий хавфсизлик, барқарор ва изчил тараққиётни таъминлаш, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларини юқори баҳолаган.

Табриқномаларда Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва рағнақ тилаклари изҳор этилган.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БИР-БИРИНИ САМИЙ ТАБРИКЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август кунини Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари шу кунларда мамлакатларимизда кенг нишонланаётган мустақиллик байрамлари муносабати билан бир-бирини дилдан қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва рағнақ тиладилар.

Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустақамлашиб, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 30 фоизга ошди. Фаол ҳудудлараро алмашинувлар давом этмоқда, саноат коопера-

цияси бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, транспорт алоқалари кенгаймоқда. Мухим маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Сухбат чоғида Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини жорий йил сентябрь ойида ўтказишга келишиб олинди.

Транспорт ва энергетика соҳаларида минтақавий аҳамиятга молик устувор инфратузилмавий лойиҳаларни, шу жумладан, "Қамбарота-1" ГЭСини қуриш лойиҳасини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Марказий Осиёда ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда ШХТнинг бўлажак Самарқанд саммити кун тартибини муҳокама қилдилар.

ЎЗА

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам "Янги Ўзбекистон" боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилақларимни изҳор этаман. Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида "Ўзбекистон Республикаси" деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.

Қадрли юртдошлар!

Охириги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги bosқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмакдамыз.

Ўтган даврда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммаиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шarti ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва хал

қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаати тўла жавоб берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз. Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий кадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмуни қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суюнчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта "Олимпия чемпиони" деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислам бирдамлик уйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса, халқаро тарихий мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттирамыз.

Давоми 2-бетда. ▶



МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари самимий қўлаймиш.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Хурматли дўстлар!
Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмақдамиз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатли сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий маъқадан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамиз.

Биринчидан, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қўлай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантираемиз.

Иккинчидан, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом эттирамиз.

Учинчидан, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қўраётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва

◀ Давоми, бошланishi 1-бетда.

тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтиради.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотларни изчил давом эттирамиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтираемиз.

Барча ҳудудларда шошилиниб тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштираемиз. Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечирishi ва ўртача умр кўриш даражасини ўзайтиришга эришиш.

Бешинчидан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтиради.

Шу билан бирга, муаммолар ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга ошираемиз.

Мухтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир**. Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимизни шотилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади**.

Хурматли тадбир иштирокчилари!
Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қўтлуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва ҳушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қўтлаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!
Бугун биз ўз олдимизга улғувор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қўтлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошин!
Яратганинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

◀ Давоми, бошланishi 1-бетда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик кун муносабати билан бутун Ўзбекистон Республикаси халқига энг самимий табрикларимни билдираман.

Ушбу муҳим тарихий лаҳза барчамизга ҳамжиҳатлик руҳида, бир инсоният оиласи бўлиб ҳаракат қилишимиз зарурлигини эслатади.

Ҳар бир мамлакат кўла ми миллий чегараларни тан олмайдиган – COVID-19 пандемиясидан тортиб қашшоқлик, тенгсизлик ва адолатсизлик кескинлашиши, иқлимнинг фавқулодда ёмонлашуви, бутун дунёни қамраб олган можароларгача бўлган муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Ушбу ўта аҳамиятли кунда ишончим комилки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда, барча одамлар учун янада фаровон, адолатли ва хавфсиз дунёни барпо этишда Ўзбекистон Республикаси халқига таяна олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-этиромимни қабул қилинг.

Антониу ГУТТЕРИШ,

БМТ Бош котиби

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин;**

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин;**

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Жозеф Байден;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қасим-Жомарт Тоқаев;**

Қирғиз Республикаси Президенти **Садыр Жапаров;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон;**

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов;**

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов;**

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган;**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Япония Императори **Нарухито;**

Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль;**

Ҳиндистон Республикаси Президенти **Драупади Мурму;**

Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер;**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси **Елизавета II;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий;**

Жанубий Африка Республикаси Президенти **Матамела Сирил Рамафоса;**

Австралия Иттифоқи Генерал-губернатори **Дэвид Хёрли;**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко;**

Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян;**

Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо;**

Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев;**

Венгрия Президенти **Каталин Новак;**

Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан;**

Рим-католик черкови раҳбари **Франциск;**

Испания Қироли **Филипп VI;**

Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда;**

Словакия Республикаси Президенти **Зузана Чапутова;**

Швейцария Конфедерацияси Президенти **Иньяцио Кассис;**

Черногория Президенти **Мило Жуканович;**

Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос;**

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Ранил Викремесингхе;**

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти **Нурсултон Назарбаев;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари **Шайх Сайф бин Зайд Ол Наҳаён;**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин;**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев;**

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Бағдод Амреев;**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий;**

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти **Цзинь Лицонь.**

Қутловлар келишда давом этмоқда.

◀ Давоми, бошланishi 1-бетда.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

“Янги Ўзбекистон” боғида давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган байрам шодиёнаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу улғу айём билан табриклади.

– Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида “Ўзбекистон Республикаси” деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди. Биринчи Президентимиз мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик. Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимизни ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик кунни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улғу, энг азиз байрам бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Иншооллох, шундай бўлмай. Чунки эрксе-вар халқимиз учун бу байрам жуда қадрли. Мустақилликка не-не жафолардан сўнг, сабр-матонат билан эришилди. Меҳнат, машаққатлар билан йилдан-йилга мустаҳкамланди. Бугун Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз бўлди. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил асосий талабга айланди.

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда. Саноат тармоқлари ва ҳудудлар ривож ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги аънаналар давомийлигини сақлаш, кескаларнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш эътиборда. Ёшлар ва хотин-қизларнинг ўқиши, касб эгаллаши, қобилиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилмоқда. Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта Олимпия чемпиони бўлгани бутун халқимизни қувонтирди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам яшиб бормоқда. Хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда улкан иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қўтлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий тикланиш давридан миллий юксалиш даврига ўтмоқда. 2026 йилгача бўлган Тараққиёт стратегияси амалга оширилмоқда.

Президентимиз табрик сўзида давлатимизнинг тавсифини бундай изоҳлади:

“Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган, одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган, ҳамма учун адолатли сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий маъқадан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган, тадбиркорликнинг

ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир”.

Юртимизда бўлаётган ишларга назар ташланса, ҳақиқатда буларнинг ижобатини кўриш мумкин. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўз нутқида бундан кейинги бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчиси – таълим соҳасида энг қўлай шароитлар яратиш. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади, мактаблар қуриш, устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади.

Иккинчиси – суд тизимининг мустақиллигини мустаҳкамлаш. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади.

Учинчиси – тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади. Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтиради.

Тўртинчиси – соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилади. Барча ҳудудларда шошилиниб тиббий ёрдам қамрови оширилиб, одамларга янада яқинлаштирилади.

Бешинчиси – ичимлик суви таъминотини яхшилаш. Бунинг учун соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтиради. Муаммолар ҳудудларга тоза ичимлик сувини ет-

казиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурлар амалга оширилади.

Мард ва меҳнатсевар халқимиз кўмағида бу вазифалар самарали бажарилиши, янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши таъкидланди.

– Бугун биз ўз олдимизга улғувор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз, – деди Президент. – Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари ислохотларни қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган халқимизга чуқур хурматини изхор этиб, эзгу тилаклар билдирди.

– Сиз, азиз юртдошларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қўтлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман. Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошин! Яратганинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин! Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин, – дея сўзини якунлади Президентимиз.

Байрам шодиёнаси катта концерт дастури билан якунланди.

Энг улғу, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги тантаналари барча ҳудудларда давом этмоқда.



ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонида ташриф буюрди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар қатағон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Ватанимиз фидойиларини айнан Мустақиллик байрами кунларида ёд этишда катта маъно бор. Бу халққа хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги қадрини яна бир бор англади.

2001 йилдан буён 31 август "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини" сифатида нишонлаб келинмоқда. Жадид боболаримизнинг руҳларини шод этиш, ҳаёти ва меросини ўрганишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йили "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи реконструкция қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жадид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишланган экспозиция ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари музейга кириб, мазкур кўргазма билан танишди.

– Бу ерга ҳар гал келиб, эътибор беришимиз бежиз эмас. Мустақилликка эришиш осон бўлмаган. Истиқлолимизга 31 йил бўлгани билан боболаримиз 100 йиллар олдин бунга ҳаракат қилган. 100 минг ватандошимиз қатағонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Нима учун? Чунки улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг хазинаси бўлган. 2-3 тадан тил билган. Ватанимизни озод қилиб, тараққиётга олиб чиқишни билишган. Бу ерда ҳудди уларнинг овозлари эшитилгандек бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.



Шулар ҳақда сўзлар экан, Президентимиз Қуръони каримдаги оятни ёдга олди. "Оли Имрон" сурасининг 169-оятда: "Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобланманг, улар тирикдир, Парвардигорлари ҳузурда ризқланишмоқда", дея марҳамат қилинган.

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган шаҳид аждодларимизнинг хотираси ҳам ҳамиша барҳаётдир.

Давлатимиз раҳбари ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатағон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича излашларни давом эттириш кераклигини таъкидлади.

– Бутун дунёда бир парча ғоғоз бўлсаюм, қанча маблағ кетсаюм, ўзбек миллатига дахлдор ҳужжатларни топинглар, деб топширик бергандим, – деди Президент. – Охириги йилларда яна қанча

қатағон қурбонлари аниқланди. Адолат нуқтаи назаридан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тиклаёмиз. Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жадид боболаримиз номида музейлар, мактаблар ташкил қилинмоқда. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби куриб, ҳайкалинини ўрнатдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, "мен кимларнинг авлодиман" деб ўйлаши, асарларини билиши керак. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз пахта тушинглар, халқнинг ичига боринглар, деяпмиз, халқдан куч олаёلمиз. Чўлпон ҳам шундай деган. Бундай хайри ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда изланаётган заҳматкаш олимларга, зиёлиларга миннатдорлик билдир-

ди. Жадидларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросини ўргатиш бўйича кафедра ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, мустабид тузум фақат жадидларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз турли бўҳтонлар билан қамоққа олинган, ҳўрланган. – Бугун ҳам йўлда ўйлашиб келяпман. 30-йилларни эски тарих деса, "пахта иши"-чи?! Етакчиларимизни қатағон қилиш учун сохта айбловлар ўйлаб чиқаришди-ку. Бошқа республикаларда йўқмиди камчилик? Бундай аламли воқеаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Бугунгидай байрамларда, тинч-осойишта кунларда шуларни ҳам юрагимиздан ўтказиб, ёшларимизга етказишимиз керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Дунё нотинч бўлиб бораётгани, бундай вазиятда огоҳ ва вазим бўлиш кераклиги қайд этилди.

– Кўраяспизлар, дунёда рақобат, таҳдидлар кучайиб борапти. Хавф ёнимизда юрибди. Бунга тайёр бўлиш учун ҳамиша огоҳ бўлиш зарур. Бугунги эмин-эркин ҳаётимизга шукрона айтиш билан бирга, эртанги кунимизни мустаҳкам қилишимиз керак. Қачон мустаҳкам қиламиз? Билимимиз бўлса. Агар боболаримиз буюклигидан руҳланиб, ҳар бир соҳа бўйича таълимни мукамал қилсак, мана-ман деган давлатдан кам жойимиз йўқ. Болаларимизни зўр ўқитсак, натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлади. Мустақиллигимиз барқарор ва абадий бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат этилди. Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа 2021 йилда истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган эди. Унда мамлакатимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари акс эттирилган. Монументнинг энг юқори қисмида Ҳумо куши тасвирланган.

"Мустақиллик монументи – она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида", деган эди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирилар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

ЎЗА

БУЮК МАҚСАДЛАРГА БИРГАЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЭРИШАМИЗ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари:

– Дунёда, инсон ҳаётида байрамлар, қувончли кунлар кўп, лекин байрамларнинг ҳеч бири Мустақиллик каби миллионлаб қалбларни бирлаштира олмайди. Янги Ўзбекистон боғида Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали байрам тадбирида ҳам халқимизнинг ҳамжиҳатлик ва буюк бунёдкорлик қудрати намоён бўлди, қалбимиз фахр-ифтихорга лиммо-лим тўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев истиқлолимизнинг қутлуғ санаси билан халқимизни муборакбод этиб, эзгу тилақларини йўлаганида ҳаммамиз ҳаяжонландик. Ватандошларимиз тарихий мақсад – Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида бирдам ва собитлигига, Чўлпон куйлаганидек, халқ – денгиз, халқ – куч эканига яна бир бор амин бўлдик.

Янги Ўзбекистон ғоясининг негизи бўлган стратегик мақсадлар изоҳлаб берилди. Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида **давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган, одамлар ўз муаммолари ҳа-**

қида очиқ гапириши ва уларнинг ечимини учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган, ҳамма учун адолатли сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий маъқайдан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган, тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлат экани ўқтирилди.

"Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади", деди Президент.

Ҳар бир изоҳнинг замирида аниқ мақсад бор ва уларга етишиш учун бугундан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар халқимизнинг барча қатламлари ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига, давлатимизда бошқарув тизими юксалишига хизмат қилиши баробарида Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб киришда муҳим кафолат вазифасини ҳам бажаради. Умуман, Президент келтирган изоҳлар замонавий, очиқ, демократик давлатчиликнинг туб моҳиятини ташкил қилади.

Мустақиллик бир ёки бир неча йиллик эмас, абадий тушунди. Унга муносиб бўлиш учун ҳар кунни ҳаракатда бўлиш, бунинг учун ҳар бир инсонга шароит ва имконият яратиш жуда долзарбдир.

Шу нуқтаи назардан Давлатимиз раҳбари белгилаб берган бешта асосий вазифани бажариш давлат ва жамият имкониятлари ҳамда сўй-ҳаракатларини уйғунлаштиришни тақозо этади.

Хусусан, бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилиши, камбағаллик қисқариши, аҳоли даромадлари кўпайиши, бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка ҳақиқат бераётган барча тўсиқлар бартараф этилиши қайд этилди.

Мазкур йўналишда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг кайфиятини кўтариб, одамларнинг ўз

ҳаётини меҳнат ва сўй-ҳаракат билан ўзи яхшилашига интилишини оширди. Бундай катта иштиёқни, ишонччи, айниқса, ёшларда уйғотиш осон бўлгани йўқ. Мана, масалан, "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди. Кейинги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди. 560 минг нафарига деҳқончилик учун ер майдони ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Пандемиядан кейин дунёда соғлиқни сақлаш масаласига муносабат анча ўзгарди. Жумладан, бирламчи бўғинни кучайтириш, оилаларга етиб бориш вазифаси қўйилди. Одам касал бўлиб, шифохонага келишини кутиб ўтирмасдан, профилактик чоралар кўриш қанчалик аҳамиятли экани пандемия даврида яққол кўринди.

Шу жиҳатдан Давлатимиз раҳбари тўртинчи вазифа сифатида соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилиши, барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамрови оширилиб, одамларга янада яқинлаштирилиши белгилаб берди.

Жорий йилда жойларда 85 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар очилиши натижасида 700 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизматлар яқинлашди. Ҳудудларда хирургия йўналишида қўшимча 27 турдаги, эндокринологияда 7, кардиологияда 14 турдаги юқори технологик амалиётлар жорий қилинди. 191 та туман ва шаҳар марказий шифохоналарида болалар реанимация бўлимлари, 208 та кўп тармоқли поликлиника ҳамда Тошкент шаҳридаги 71 та оилавий поликлиникада болалар бўлимлари ташкил этилди.

Давлатнинг фуқаролар олдидаги энг катта мажбуриятлардан бири тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобланади. Бу борада узоқ йиллар давомида ечимини кутиб қолган муаммолар бирма-бир ҳал этилмоқда. Албатта, бу катта сарф-харажат, жуда пухта ўйлан-

ган лойиҳаларни тақозо қиладиган соҳа.

Президент бешинчи асосий вазифа сифатида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққат марказида бўлишини, соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилишини таъкидлади. Бу 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида марказлашган ичимлик суви қамровини 87 фоизга етказиш, 155 та туман марказларида оқова сув тизимини янгилаш мақсадлари билан узвий боғлиқ вазифадир.

Эътибор берайлик, тоза ичимлик суви масаласи Давлат раҳбарининг доим эътиборида бўлиб келган. Рақамларга қаранг, 2017-2022 йилларда 12 триллион сўм эвазига 25 минг 300 километрдан ортиқ тармоқлар, 1 минг 800 дан зиёд сув иншоотлари қурилган ва қайта тикланган. Натижада 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлган, 4 миллиондан зиёд инсоннинг сув таъминоти яхшилانган.

Халқимизнинг яхши турмушини ўйлаб амалга ошириладиган лойиҳаларнинг сифатли бажарилиши, маблағлар мақсадли сарфланиши, аҳолига узоқ йиллар хизмат қилиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларга, вакиллик ҳокимиятига, бид депутатларнинг талабчанлигимизга ҳам боғлиқ. Ҳудудларда ўрганишлар, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказганда лойиҳалар, қилинаётган ишлар ҳақида жамоатчиликни тўлиқ хабардор қилиб, аҳолининг муносабати, жамоат назоратини кучайтиришга устувор тамойил сифатида ёндашишимиз зарур.

Президент ўқтирганидек, бугунги дунёдаги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда. Эл-юрт бирлашиб, ягона аҳил оила бўлиб астойдил ҳаракат қилмоқда.

Халқимизнинг толеи доим баланд бўлсин, Мустақиллигимизни муносиб ва юксак натижалар билан нишонлаш ҳаммамизга насиб этсин.



ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИГА ЮКСАК ЭХТИРОМ



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон республика
кенгаши раиси,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутаты,
ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессиясида жуда муҳим масалалар муҳокама этилди, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонни юксалтириш бўйича мисли кўрилмаган янгилар ва режаларни айтди.

Давлатимиз раҳбари бошлаган ислохотлар бугун Қорақалпоғистон ҳаётини тубдан ўзгартириб, кўплаб яхши ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир гўша қурилиш, ободонлаштириш майдонига айланган кетди. 5-6 ой олдин келган одам ҳозир менинг маҳалламни танимай қоляпти. Кўчалар обод, чароғон.

Кейинги 5 йилда барча соҳалар каби таълим ва тиббиёт соҳалари ҳам кескин ривожланди. Олдин, масалан, буйрак кўчириш чет элларга бориб катта маблағ эвазига амалга оширилган эди. Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган шароит натижасида Беруний туманида мураккаб операциялар, шу

жумладан, буйрак кўчириш маҳаллий врачларимиз томонидан амалга оширилмоқда.

Туманда, шунингдек, янги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Таълим маскани 360 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2000 га яқин бола ҳужжат топширди. Бу, албатта, қалби қайноқ, интилувчан ёшларимизнинг илмга қанчалик ташналигининг исботидир.

Муҳтарам Президентимиз “Инсон қадрини учун”, деган улғун асосида маҳаллалар мавқеини ошириш, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-кизлар фаоли штатларини жорий қилиш орқали ҳар бир инсон дарду ташвиши билан яшашни ўргатдилар. Утган гал республикамизга ташрифи чоғида Беруний туманида бўлиб, дунёда энг катта шамол электр станцияси қурилишига тамал тошини қўйиб бергани халқимиз кўнглини ва кўксини тоғдек кўтариб юборди.

Яна бир йилу 10 кундан кейин буюқ қомусий олим Абу Райҳон Беруний бобомизнинг 1050 йиллиги нишонланиши кутилмоқда. Ҳозир катта тайёргарлик бошланган. Президентимизнинг ушбу санини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори буюқ алломага, қорақалпоқ халқига кўрсатилган чуқур эҳтиром, деб ҳисоблайман.

Ортимизда амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида кенг ёритилади. Шунга қарамай, ҳар бир фуқаро ўзгаришлар, янгилардан тўлиқ хабардор эмас. Шунинг учун ислохотлар мазмун-моҳиятини маҳаллаларда, одамлар орасида жонли тарғиб қилиб, халқнинг ичига кириб, жараёнларни ҳаётини мисолларда кўрсатиб, тушунтиришимиз керак бўлади.

Учрашувда Президентимиз қорақалпоқ халқининг виждони тоза эканлигига ишонман, деб қорақалпоқ халқига юксак эҳтиром кўрсатди. Депутатларга жипслашиб, танқидий-таҳлил ва ташаббус кўрсатиб ишлаш тавсия этилди. Аҳоли манфаатларига қаратилган ҳар бир дастур тўлиқ бажарилиши, ажратилган маблағларнинг манзиллиги таъминланиши, коррупциянинг олдини олиш, очиқликка эришиш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди. Биз масъулиятни ҳис қилган ҳолда, албатта, янада катъият билан фаолият олиб боришимиз керак.

ЖИПСЛАШСАК, МАРРА БИЗНИКИ БЎЛАДИ



Завра АБДУЛЛАЕВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгеси депутаты, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясидаги ҳар бир сўзини ғурурланиб, ҳаяжон билан тингладим. Давлат раҳбари ҳар сафар Қорақалпоғистонга келганларида халқимизнинг турмушида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзгаришлар, яхши янгилар, энгилликлар кузатиляпти.

2016 йилдан ҳозирги кунгача қорақалпоқ диёрига тўққиз марта ташриф буюрган бўлсалар, уларнинг натижаси ўлароқ Нукус, Мўйноқ, Бўзатов туманларидаги ўзгаришларни кўриб, кўз қувнайди. Бу ҳудудларнинг ҳозирги жамолини аввалгиси билан солиштириб бўлмайди.

Бундан икки ой олдин Қорақалпоғистонда рўй берган тартибсизликлар ҳалигача кўнглимизни ғаш қилади. Чунки Юртбошимиз олдида қаттиқ изтиробда, уятдамиз.

Халқимиз орасида олдиндан режа тузиб,

келаганимиз бўлган ёшларнинг онгини заҳарлаётган ғараз ниёти кимсаларнинг ноҳуш ҳаракатларини сезмаганмиз. Бу биз депутатларнинг оғриқли нуқтамиз ҳисобланади.

Президентимиз сессия давомида сўзлаган нутқи давомида биз бу сафар энгилдик, ҳалиям кеч эмас, буёғига сергак туриб жипслашсак, албатта, марра бизники бўлади, дедилар. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон халқининг турмуш даражасини янада яхшилаш борасида қатор вазифаларни белгилаб бердилар.

Депутат сифатида Аманбай Оринбаевни қўллаб-қувватлаб, унинг адолат, садоқат, масъулият ва тартиб-интизомни ўз фаолиятига мезон қилиб олишига кўмаклашамиз.

Ватан – ягона! Ҳақиқатан ҳам, бирлашсакки олдимизга қўйган буюқ мақсадларга эришамиз ва энг олий неъмат тинчлигимизни авайлаб-асраймиз.

ҲАЁТ ОЛДИМИЗГА ЯНГИ-ЯНГИ ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАМОҚДА



Ботир АЙТЕКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Сайёра ИМАМОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгеси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳурматли Президентимиз билан мулоқот қилганда меҳр чексиз қудратга эга ришта эканини ҳис қиламиз. Жўқорғи Кенгес сессиясида иштирок этишлари ҳам ўзига хос тарихий воқеа бўлди.

Июль ойи бошидаги воқеалардан барчамизнинг дилимиз хира бўлиб ўтиргандик. Барчамиз қаердадир хатога йўл қўйганимизни англаб етгандик. Ҳижолат тортишга ўхшаган ўй-хаёллар ҳам кечди юрагимиздан. Лекин оталарча меҳр, шу элнинг чин фарзандидай

муҳаббат ва Қорақалпоғистонга садоқат билан ҳурматли Президентимиз ҳаммамизнинг кўнглимизни кўтардилар. Бир йил ичида бутун дунёга Қорақалпоғистоннинг гуллаб-яшнаганини кўрсатаман, деб жуда катта имтиёз, катта маблағ ажратдилар. Сессияда Президентни тинглаб ўтирар эканман, уларнинг халқ учун қанчалар қунонаётгани, Ватанга меҳр-садоқатининг қанчалар тоза ва кучли эканини, биз уларга қанот бўлишимиз шартлигини ҳис этдим.

Халқим учун Аллоҳдан тинчлик, осойишталик сўрадим, деган сўзлари барчанинг қалбини ларзага солди. Энди Қорақалпоғистонда яна янги тўлқиндаги ислохотлар бош-

— Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ташрифи ҳаммамиз учун қувончли бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳар доим бу ерга келганларида оқсоқоллар, тadbirkorлар, ёшлар вакиллари билан очик, самимий мулоқот қилдилар. Юракдан чиққан сўзларни, тилаларни эшитиб, одам ҳаяжонланади.

Бу галги нутқни тинглаганимда кўнглим яна бир тўлқинланди. Ҳаёт олдимизга янги-янги вазифаларни белгилаб бераяпти, замон талабларидан келиб чиқиб, келгусида сизлар билан биргаликда Қорақалпоғистонда яна кўплаб катта-катта ишларни амалга оширамиз, деди Президент.

Янгиланишларни қорақалпоқ халқи сезиши керак ва эски усуллар билан Қорақалпоғистонда ишлаб бўлмайди, деб таъкидланди. Утган даврда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантиришга қаратилган 31 та фармон ва қарор қабул қилинган, Қорақалпоғистонга катта маблағлар ажратилаётганига қарамай,

ичимлик суви, ички йўллар, электр таъминоти, ишсизлик, нарх-наво каби масалаларда камчиликлар бўлаётгани қайд этилди.

Сессияда Аманбай Оринбаев ўзининг дастури билан таништириб, ўз сўзида камбағалликни қисқартириш, аграр соҳа, саноат, инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиб, уларнинг ҳал этилиши учун Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши зарур эканини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев бу тақлифларни маъқуллаб, уларни амалга ошириш мақсадида фақат Қорақалпоғистон учун фойда солиғи, айланма солиқ, мол-мулк ва ер солиғи ставкаларини 2 баробар қисқартиришга кўрсатма берди. Бу янгилар Қорақалпоғистондаги ҳар бир оилага яхшиликлар келтиради.

Президентимиз атрофида янада маҳкам жипслашиб, халқимизнинг фаровон яшашини учун амалга ошириладиган ишларда қанот бўлишимиз керак.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Президент Шавкат Мирзиёев фармонлари билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшаётган, ёрқин истеъдоди, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларни

ривожлантиришда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ хамюртларимиз мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Юксак эътирофга муносиб кўрилганлар сафида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фахрийлари ва фаоллари ҳам бор. Халқимиз орасида фидойилик, меҳнатсеварликда ҳаммага ибрат бўлиб келаётган Ватандошларимизни чин юракдан табриклаб, бахт-саодат тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ФАОЛЛАРИ

«Меҳнат шўхрати» ордени

Гадоев Эркин Файзиёвич

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси

«Меҳнат шўхрати» ордени

Абдуллаев Рамазон Бобомуродович

Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши депутати

«Шўхрат» медали

Сайфитдинова Дилорам Фазлитдиновна

Ўзбекистон Қизил ярым ой жамиятининг Наманган вилояти бўлими раиси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партияимиз фаолларини кўп миңг сонли аъзолари номидан юксак ишонч ва эътирофга сазовор бўлгани билан табриқлайди!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ФАОЛЛАРИ

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвон

Иноятов Январ Пулатович

Қашқадарё вилояти ҳокимининг фахрийлари билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси

«Дўстлик» ордени

Мирзаев Муҳаммад Хамидович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар Кенгаши раиси

«Шўхрат» медали

Ҳасанова Мавжуда Ғаниевна

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партияимиз фаолларини кўп миңг сонли аъзолари номидан юксак ишонч ва эътирофга сазовор бўлгани билан табриқлайди!

ТИНЧЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!



» **Сессияда Президентни тинглаб ўтирар эканман, уларнинг халқ учун қанчалар қунонаётгани, Ватанга меҳр-садоқатининг қанчалар тоза ва кучли эканини, биз уларга қанот бўлишимиз шартлигини ҳис этдим.**



ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЛАР
ЯРАТИЛАДИГАН, ҲАММА УЧУН
МАЖБУРИЙ БЎЛГАН ҚОИДАЛАР
ЎЗИЛАДИГАН ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ИНСТИТУТЛАРИДАН
БИРИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ
ПАРЛАМЕНТИМИЗДА МУҲИТ БУТУНЛАЙ
ЎЗГАРДИ, ҲАР ҲАФТА ҚИЗГИН
ЎТМОҚДА.
ГАЗЕТАМИЗДА ОЧИЛГАН
“ЧОРШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА”
РУКНИ ОРҚАЛИ ҲАФТА ДАВОМИДА
ПАРЛАМЕНТДА МУҲОКАМАДА БЎЛГАН
ЭНГ ЭЪТИБОРЛИ МАСАЛАЛАР ҚАЙД
ЭТИЛИБ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ,
МУТАХАССИСЛАР, САЙЛОВЧИЛАРНИНГ
ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ ҲАМ БЕРИБ
БОРИЛАДИ.



ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУФИЛАДИ

Ўтган бир ҳафта давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида асосан қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Хусусан, 2022 йил 24 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги манфаатларини таъминлашга доир бир қатор қонун ва қарор лойиҳаларини кўриб чиқди.

Мажлис аввалида халқ вакиллари “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатбод тумани, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасини муҳокама қилди.

Наманган вилоятида Президентимизнинг “Наманган шаҳрида “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича аҳоли турмуш даражаси сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида Наманган шаҳрини истиқболда “бир миллионлик шаҳар”га, яъни “мегаполис”га айлантириш, инвестициявий муҳит янада яхшилланиши натижасида ҳалқаро замонавий брендлар ва йирик компанияларнинг шаҳарга кириб келиши, урбанизация жараёнлари сезиларли даражада тезлашиши, шаҳарнинг “ақлли шаҳар” концепсияси асосида бошқариш тизими яратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Наманган шаҳрида бир йилда аҳолининг ўртача ўсиши 30,3 минг кишини ташкил этиши ҳисобга олинган ҳолда 2040 йилга келиб аҳоли сони табиий равишда 1,2 млн. кишига етиши тахмин қилинмоқда.

Мазкур қарор билан Наманган шаҳрини “миллионли шаҳар”га айлантириш мақсадида унга чегарадош бўлган Тўрақўрғон туманидан 472,4 гектар ер майдонини қўшиб бериш, ҳудудда “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Қайд этилганидек, ушбу қарорнинг қабул қилиниши аҳолини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида шаҳардаги мавжуд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида, шунингдек, майдони 164,2 гектар бўлган 4 та кичик sanoat зонасида 41 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг яратилишига эришилади.

Дунё таърибаси шун кўрсатадики, “миллионли шаҳар”ларда бошқа шаҳарга нисбатан иқтисодий ўсиш даражаси юқори бўлади ва аҳоли жон бошига дарамад тез ўсади. Иқтисодий тармоқлар диверсификацияси кучаяди ҳамда тармоқ кластерларини ташкил қилиш мумкин бўлади. Айниқса, “миллионли шаҳар”лар мамлакат ЯИМнинг ўсишида драйвер вазифини бажаради. Мажлисда қарор лойиҳаси қабул қилинди.

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик

палатасининг мажлисида депутатлар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат принципларидан келиб чиқиб моддий қўллаб-қувватлаш, турмуш ҳамда ҳаёт даражасини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Бунда, ногиронлик пенсиясини олаётган фуқаро пенсия ёшига етганда ёки боқувчисини йўқотганда ногиронлик пенсиясини олишни давом эттирса (бошқа пенсия турига ўтмаси), I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақтини қўшиб ногиронлик пенсияси қайта ҳисобланмайди.

Қонун лойиҳаси билан 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлангандан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, иш вақти ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳамда келгусида ҳар 2 йилда ногиронлик пенсия миқдорларини қайта ҳисоблаш амалиёти жорий этилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалиётда қўллашда юзага келаётган турли хил ёндашувларнинг олдини олиш, коррупцион факторларни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мажлисда Сенат томонидан рад этилгани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун ва масъул қўмита томонидан қонун ижодкорига (мазкур қонун Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган) қайтариш таклифи этилди.

206 моддада тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан “Ҳимоя ордери” талаблари бажарилмаган ҳолда БҲМнинг 1 бараваридан 3 бараваригача бўлган жарима қўллаш белгиланган. Ўзгартиришда эса жарима миқдорини 5 бараваридан 10 бараваригача ошириш кўзда тутилган эди.

Маълумот учун, “Ҳимоя ордери” тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида берилади.

Депутатлар жаримани ошириш орқали оилани сақлаб қолиш, эр-хотинни

» **ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИДА, ШУНИНГДЕК, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИНING 2022 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ ҲАМ ТИНГЛАНДИ.**

КОМИССИЯ ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ИШСИЗ ЁШЛАР БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН КАСБЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ КАБИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН БИР ҚАТОР НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗгани, “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ИШСИЗ ЁШЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА УЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ТАШКИЛ ЭТГани ҲИСОБГА ОЛИНИБ, ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН КОМИССИЯ АХБОРОТИ МАЪҚУЛЛАНДИ.

яраштириш самарасиз эканини таъкидлашди. Муҳокамалардан сўнг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун қонун ижодкорига қайтарилиши маъқулланди

Мажлисда, шунингдек, Сенат томонидан рад этилган Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни ҳам қайта кўриб чиқишдан олиб, қонун ижодкорига қайтариш таклифи этилди.

Бунда Оила кодексининг 13-моддасидаги никоҳ тузиш тартибидан бир ойлик муддатни бекор қилиш, 17-моддаси – никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва 212- моддаси – никоҳ тузилганлигини қайд этиш жойи ва вақти белгиланган моддаларга ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган.

Мазкур қонун эса Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан масъул қўмитанинг қонунни қонун ижодкорига қайтариш таклифи овоз бериш орқали рад этилди. Айрим депутатлар қонунни қабул қилиш кераклигини, бу қонун одамларга енгиллик беришини ва уларни ортиқча овозгарчиликдан халос этишини таъкидлашди. Агар жоиз деб топилса, тўғридан-тўғри Президентга юбориш ваколатидан фойдаланишни тавсия этилди.

Баъзи интернет нашрлари бу жараённи ортиқча “пиар”лар билан ёритиб, одамларнинг эътиборини тортишга ҳаракат қилишди. Аслида бу табиий жараёнлар, бутун дунёда парламент шундай ишлайди. Бекорга парламентни нафақат қонун яратадиган, жамиятга сиёсий-ҳуқуқий маърифат улашадиган маскан, деб

айтишмайди. Сенат ҳамма қонунни тасдиқлайверса, Қонунчилик палатаси эса рад этилган қонун лойиҳаларига муносабат билдирмаса, қайсидир маънода улар табиий ишламаётгандек кўринади. Бу демократик жараёнларни кузатишни халқимиз, миллионлаб сайловчилар анчадан бери кутаётганди.

Аваллари муҳокама тугул, парламентнинг баланд деворлари ортида қандай масалалар кўрилатганидан ҳам хабар топиш мушкул эди. Ҳозир вазият бутунлай бошқача, илғор парламентлар таърибаси, демократиянинг муҳим қадрият ва аънаналари Олий Мажлис фаолиятига кириб келаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсияси билан парламент палаталари, халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари онлайн тартибда сайловчилар, кенг жамоатчиликка ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кўрсатила бошлангани жуда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ

29 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари дастлаб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қонунчиликдаги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва тушунарли тарзда етказиш учун қонунларда муқаддималардан фойдаланиш тартиби йўлга қўйилган. Бироқ муқаддима қисмини парламент мажлисида кўриб чиқишнинг ҳуқуқий механизмлари етарлича очиб берилмаган.

Жумладан, амалдаги қонунларга мувофиқ, қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида иккинчи ўқишда овоз бериш, қоида тартиқасида, моддама-модда ўтказилади. Бундан ташқари, овоз бериш боблар ёки бўлимлар бўйича, шунингдек, бир неча моддалар бўйича бир вақтнинг ўзида ўтказилиши мумкин.

Дарҳақиқат, Қонуннинг муқаддимаси юқорида санаб ўтилган таркибий бирликларнинг бирортасига ҳам кирмайди. Қонун лойиҳасининг муқаддимаси ҳам, умуман қабул қилинаётган Қонуннинг энг кичик деталларига ҳам муҳокамадан ўтиб тасдиқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди Қонун лойиҳаси билан бирга қоида тартиқасида, унинг номига, муқаддимасига (агар мавжуд бўлса), ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида овоз бериши назарда тутиляпти. Фракция аъзолари бу янгиликни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

Комиссия ўтган давр мобайнида ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка жалб этиш каби муҳим масалаларни ўрганиш юзасидан бир қатор назорат-таҳлил тадбирларини ўтказгани, “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларнинг муаммоларини бартараф этиш мақсадида улар билан очiq мулоқотлар ташкил этгани ҳисобга олинаиб, фракция аъзолари томонидан комиссия ахбороти маъқулланди.

Кун тартибидан яна бир масала — “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Аҳмаджон ҚУРБОНОВ тайёрлади**



Мурувват уйда яшовчилар учун байрам тадбири

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида Мустақилликнинг 31 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши, вилоят касаб ва уюшмалари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бабенко Елена Владимировнанинг ёрдамчиси Б.Курбонов иштирокида "Бутоқора" Мурувват уйда яшовчилар ва ходимлари учун маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Ватанимизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижалари тўғрисида гапирдилар. Тадбир давомида бир гуруҳ ходимлар партия сафига қабул қилинди ҳамда уларга аъзолик гувоҳномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тиббиёт ходимларини байрам билан табриклаб, иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.



Кўмакка мухтож оилаларга ёрдам кўрсатилмоқда

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят Пахтабод туман кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари "Нурдиёр" МФЙ билан ҳамкорликда "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори асосида байрам тадбири ўтказди.

"Нурдиёр" МФЙ Шарқ юлдузи кўчасида яшовчи боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўмакка мухтож оиланинг икки нафар фарзанди Исо ва Мустафоларнинг суннат тўйи қилиб берилди.

Ўзбекистон ХДП Пахтабод туман кенгаши депутатлари Х.Сотволдиева ва Т.Сўпиевлар сўзга чиқиб, барчани истиклол айёми билан қутлар экан, мустақил юртимизда барчага ғамхўрлик ва катта эътибор қаратилганга эътибор қаратди.

Тўй болаларга совға-салом қилиниб, моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз.



ҲАЁТИНИ МЕҲНАТ БИЛАН

Ирода ХЎЖАҚУЛОВА (Жиззах):

— Бепул асосда касб-хунарга ўқиш мумкинлигини эшитганимда, тўғриси, аввалига у қадар ишонмадим ва синаб кўришга ошиқмадим. "Текинга қанчалик ҳам ўргатар эди", деган фикрим йўқ эмасди. Лекин атрофдагиларнинг мамнунлигини кўриб, мен ҳам махсус курсда тахсил олдим. Уч ой давомида тикувчиликнинг сирларини яхшилаб ўрганиб, ҳозирда қуроқ ишлаб чиқаряпмиз.

Аввал "Тоза ҳудуд"да ишлар эдим. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ, демай кўчаларни тозалаш, ободонлаштириш ишларини бажарар эдик. Ҳозир эса уйда ўтириб, пул топяман. Мухими, болалигимдан қизиққан ишим билан шуғулланаяман. Тўғри, тикув машиналарини ижарага олиб ишляпмиз. Лекин шу ўқув курси орқали мен каби опа-сингилларимиз ўзимизни тиклаб олишга ҳаракат қиляпмиз. Хом ашё учун кредит олганман. Қуроқ тикиш учун керакли маҳсулотларни сотиб олиб, яхши даромад қиляпман.

Масалан, бир кунда қўшимча ишларга чалғимаган одам иккита кўрпачани тайёрлай олади. 150 минг сўмлик харажат қилсам, тайёр маҳсулотни 300 мингга сотаман. Бунинг орасига меҳнатим, электр токи ва бошқа харажатлар қўшилиса, соф даромадим 100 минг сўм атрофида бўляпти. Агар тикув машинаси сотиб ололсам, ҳаётимда чинакам бурилиш ҳосил бўлар эди. Лекин айна пайтдаги ишимдан мамнунман.

Муродил ХУСАНБОЕВ (Андижон):

— Андижон давлат университетиде ўқийман. 3-босқичга ўтдим. Маҳалламизда эҳтиёжманд ёшларга, оилаларга 10 сотихдан ер берилаётганини эшитиб, ўғлим мурожаат қилди. Натижани эса кўп қўтишга тўғри келмади. Энг қизиғи, тайёр ерга картошка уруғи қадалган ҳолатда топширишди. Эвазига пул берамиз, деб ўйлаган эдим, буларнинг барчаси текинга, ёрдам тариқасида эканини таъкидлашди. 10 йил давомида шартнома асосида ушбу ердан фойдаланишимиз мумкин экан.

Бундан, тўғриси, жуда ҳам қувондим. Тез орада етилган картошка ҳосилини йиғиб олдим. 3 тонна атрофидаги маҳсулотни сотдик, оғирхонамизни ҳам тўлдирдик, келгуси йилга уруғлик учун олиб қўйишни ҳам унутмадик. 4-5 минг сўмдан сотганда ҳам ҳар бир оилага қўшимча 10 миллион сўм даромад кирди, дегани. Бу биринчи босқичда. Такрорий экиндан ҳам фойда олинади. Айна пайтда кузги сабзи экканмиз. Ҳар кун уни парваршлаб келяпман. Оилавий ишлаяпмиз. Ҳозиргина белгиланган тартибда ўғитлаб келаётган эдим. Қисқаси, ёзда вақтим бекор ўтмади.

Ота-онамга шартнома пулларини тўлаш биров қийин кечаётган эди. Мана, бу йил ўзим меҳнатим билан контрактимни тўлайдиган бўлдим. Шундай имкониятдан бир мен эмас, кўплаб ёшлар, оилалар фойдаланяпти, даромад топяпти. Ҳаётимиз яхшиланяпти. Бунинг учун озгина меҳнат ва сабрнинг ўзи кифоя экан.

Инжайим СУЛТОНМУРАТОВА (Қорақалпоғистон):

— Бир неча йиллардан бери уйсиз, бошпанасиз эдим. Одам ҳар қандай қийинчиликни енгиши мумкин, лекин бунинг учун унга бош қўйиб, оёқ узатадиган жой керак, деб ўйлайман. Бир қиз, бир ўғилни ёлғиз тарбия қиляпман. Мендек ёлғиз оналар учун уйли бўлиш шунчаки янгилик эмас, катта орзулардан бирининг ушлишидир. Болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Квартира сотиб олишим учун маблағим етарли эмасди. Ҳокимият бошланғич бадални тўлаб берди. Имтиёзли равишда икки хонали янги уйга кўчиб ўтганимизга эса икки ойдан ошди. Мухими, фарзандларим билан жуда ҳам бахтлимиз. Қўшиларим ҳам ўзимнинг тенгқурларим. Хонадонимизда шариат яхши, ишга қатнаш учун ҳам қўлай манзилдамиз.

Тўғри, янги уйга кўчиб ўтганга, янги нарсалар олишни истар экансиз. Лекин имкониятдан келиб чиқиб, музлаткич, телевизор каби энг зарур маиший техника жиҳозларини сотиб олдим. Улар ҳам кредит эвазига келди. Айна пайтда кўнглим хотиржам. Топаятган пулим кредитларимни қоплашга етляпти. Керак бўлган пайтда онам, икки укам ёрдам бериб турибди.

Ҳаёт бир текис эмас. Паст-баландликлардан иборат. Менда ҳам шунақа вазиятлар бўладики, қийинчиликлардан чиқиб йўлларини қидириб қоламан. Шундай пайтда фарзандларимнинг борлиги, яқинларим, асосийси, Яратганга ишонч менга далда бўлади.

Сеvara ХОЛМАТОВА (Тошкент вилояти):

— Орзунинг катта-кичиги бўлмайди. Кимлар учундир майда кўринган нарсалар бошқаларга катта орзу бўлиши мумкин. Мен ҳам бу йил ана шундай ниятларимдан бирини амалга оширдим. Яъни, хотин-қизлар тадбиркорлиги мактабиде ўқидим. 33 миллион сўм эвазига 5 та тикув машинаси сотиб олдим. Айна пайтда маҳалладаги бўш ўтирган хотин-қизлар учун цех очиб ҳаракатидаман. Авваллари кўғирчоқлар ясаб, сотардим. Лекин бунинг даромади у қадар кўп эмасди.

Оилам ҳақида гапирадиган бўлсам, уч нафар фарзандим бор. Катта ўғлим бу йил мактабни тамомлаб, институтга ўқишга топширди.



Бир қизим ва ўғлим мактабда ўқийди. Турмуш ўртоғим эса маҳаллада ошпазлик қилади. Янги келинлик пайтларимда мактабда меҳнат дарси ўқитувчиси эдим. Лекин ойлигим кам бўлган. Рўзғорга кўмаклашиш учун етарлимасди.

Шундай бўлса-да, доим ҳаракатда бўлдим. Ер олиб, икки хонали уй кўтардик. Битта битмаган хонасида цех ташкил қилишни кўзлаб турибман. Режаларим катта. Дастлаб оёққа туриб олиш учун йирик текстиль корхоналарининг маҳсулотларини тикиш учун шартнома қилиш ниятим бор. Шунингдек, телеграм каналлариде бюуртма олиш ҳақида эълон бердим. Қизиқш билдираётган бор. Ўйлайманки, тез орада ишларимиз юришиб, оиламиз даромадига ҳисса қўшамиз. Чунки эркак кишининг қўлига қараб ўтириш осон эмас. Аёл ҳам жуфти билан елкама-елка тура олиши керак, деб ўйлайман.

Биласизми, муҳими одам сабрли бўлиши керак. Бу нарсига болалигимдаёқ амин бўлганман. Чунки отам биз жуда кичик пайтимизда оламдан ўтган. Онам ёлғиз боши билан 4 нафар фарзандини вояга етказдилар. Тўғриси, ҳали-ҳануз уларнинг ёрдамига таянамиз. Менимча, биз ҳаммасини онамдан ўрганганмиз. Сабр ва шукр ортидан барча мақсадларга эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб беряпти.

Мухаммадали НОСИРОВ (Фарғона):

— Оиламиз билан 2013 йилдан буён мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келамиз. Ўтган йиллар давомида кўплаб воқеаларни бошдан ўтказдик. Қийинчиликлари билан бирга ютуқлари ҳам бўлди.

Мана, бу йил кўпгина захматлар эвазига уй солдик, цех ташкил қилдик. Айна пайтда барча турдаги уй жиҳозларини тайёрлаб келяпмиз. Ишимизни янада кенгайтириш ниятимиз ҳам йўқ эмасди. Ишон кредит олишдаги айрим тўсиқлар сабаб фикримиздан қайтдик.

Имтиёзли кредит, дейляпти. Бироқ уни нақдлаштирунча қадар 33 миллиондан 25-26 миллион сўм қоларкан. Фақатгина бир турдаги маҳсулот билан ишимиз битмайди. Хусусий ташкилотлар, дўконлар бор. Улар нақд пулга савдо қилади. Қарабсизки, олинган маблағ зарарга ишлаб қолиши мумкин. Тўғриси, шу каби майда масалалар ҳал этилса, бажонидил фойдаланган бўлардик. Чунки қишлоқ жойда яшаганимиз боис насияга ишлашимизга, одамларга арзон нарҳда, бўлиб тўлашга ҳам савдо қилишга тўғри келади. Ана шундай вазиятда айланма маблағдан қийналиб қоламиз.

Лекин нолимаймиз. Ишимиз тўхтаб қолмаяпти. Кимдан олдин, кимдан кейин, яшаб юрибмиз. Оиламизда эркаклар асосий ишни бажарса, аёллар лаклаш, безак беришда кўмаклашади. Бир ойда 15 тагача турли мебельларни тайёрлаймиз ва дўконда сотамиз. Йил давомида бир хилда савдо бўлмайди. Бир йилда 70-80 миллион сўм атрофида даромад қиламиз. Бир йилнинг 4 ойида, яъни декабрь, январь, февраль, мартда деярли ишимиз тўхтаб қолади. Август, сентябрь, октябрда эса ишлаб чиқаришимиз ҳажми 25 тагача етади.

Фахрланадиганимиз одамлар бизни ҳурмат қилади. Камиде 2000 одам танийди. Деярли шунча оилага биз ясаган жиҳозлар кириб борган. Бир сўз билан айтганда, 5 та қишлоқ бизни боқяпти.

Гулшоде АБДУЛЛАЕВА (Сирдарё):

— 2005 йил оила қурган бўлсам, турмуш ўртоғим хасталик сабабли икки йил ётиб қолди. 2011 йилда ҳаётдан кўз юмди. Шундан кейин икки йил давомида қайнонам ва қайин отам

билан яшадик. 2013 йилда ижарага уй олиб, алоҳида яшай бошладик. 5 йиллик қийинчиликлардан кейин 2018 йилда ёлғиз аёллар учун бериладиган уй учун навбатга турдим.

Ҳеч қаерда ўқимаган бўлсам ҳам, жим қараб ўтирмадик. Текстилда ишладик, ҳамшираликдан хабарим бўлгани учун қўни-қўшиларга игна муолажаларини қилиб юрдим. Орада карантин бўлиб қолгани боис, ишдан бўшадим. Бир йил давомида уй учун олган кредитдан қарз бўлиб қолдим. Яхши инсонлар кўп. Ана шулардан бирининг ёрдами билан тикув машина сотиб олдим. Уйда бекор ўтирмадик. Тикиш билан банд бўлдим, ҳамширалик қилдим яна. Хизматим эвазига кимдир пул, яна биров бирор егулик билан ҳисоб-китоб қиларди.

Карантин юшагач, бўёқ цехига ишга кирдим. Оддий ишчи сифатида қабул қилингандим, икки ҳафтада битта бўлимни ишониб топширишди. Ойлигим ҳам бироз ошди. 3,5 миллион сўм ойлик ва бола пули олардим. Харажатларимга етиб турганди. Афсуски, у ер ҳам тез орада ёпилиб кетди. Яна ишсиз қолдим. Лекин шунда ҳам тушкунликка тушганим йўқ. Бўш ўтирмайман. Қўлимдан келганича ҳаракатдаман. Чунки фарзандларимни боқиб, кредит қарздорлигини тўлаш керак. Бировга сарғайишни ёмон кўраман.

Айна пайтда янги бир ишхонада синов муддатини яқунлаш арафасидаман. Тўғри, масофаси биров узоқлик қиляпти. Лекин тайин ишга, доимий даромадга эга бўламан. Асосийи, ҳеч кимнинг эшигини қарз сўраб тақиллатмайман. Ким бераркин, деб кутмайман. Ишонманки, буларнинг барчаси ўткинчи. Фарзандларим менинг учун ҳақиқий инвестиция. Уларнинг бахту камолини кўриш энг катта бахт мен учун.

Наима НАЖМИДИНОВА (Наманган):

— Болалиқдан кўнглим ярим улғайдим. 7 синф пайтимда онам оламдан ўтди. Дадамнинг бир ўзи бизни вояга етказди. Турмушга чиққангидан кейин ҳақиқий қийинчиликлар бошланди. Турмуш ўртоғим ишламасди. Оиласидан ажрашиб келган қайинсингилларим бор эди. Хуллас, ҳеч келиша олмадик. Ажрашишга тўғри келди. Табиийки, бошпанамга эҳтиёж пайдо бўлди.

Ҳокимиятга мурожаат қилдим. Аммо имтиёзли асосдаги уйлар насиб қилмади. Ўтган йили йиғи-сиғилар билан кредитга уй олдим. Шаҳар ҳокимига раҳмат айтман. Субсидия ажратилишига кўмаклашди. Бу ҳам мен учун бирмунча ёрдам бўлди.

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Фарзандларимни яхши тарбиялашга, ўзимга ўхшаган ҳаракатчан, меҳнатқаш бўлиб вояга етказишга ҳаракат қиляпман. Чунки дангаса одам ҳаётда кўп қийналади. Ўғлим нефть-газ соҳасига қизиқади. Қизим эса рус тили ўқитувчиси бўлишни истади. Тўғриси, у менинг изимдан боришни истаганидан фахрланаман. Сабаби ўқитувчилар оиласиданман. Онам рус тили, дадам эса жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлишган. Кун келиб қизимга кимсан Наима Махмудованинг қизи, деб мурожаат қилишларидан фахрланаман.

Айна пайтда бир мақсад йўлидан боряпман, мактабда энг яхши ўқитувчи бўлишни истаيمان. Раҳбарлик даражасигача бориш истагим ҳам йўқ эмас, албатта. Касбимни яхши кўраман, шу боис энг яхши ўқитувчи номига эришиш орзуим.

"Ўзбекистон овози" мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.



ЎЗГАРТИРАЁТГАН ОДАМЛАР



жўжалар ҳар қирқ кунда гўшга тайёр бўлар экан. Биринчи боққан жўжаларимдан 10 миллион сўм, иккинчи 40 кунлик жўжалардан 11 миллион сўмдан фойда кўрдим. 3-бор таъминотчи яна мингта жўжани етказиб берди. Бундан 13 миллион сўмга яқин даромад кўришни режа қилиб турибман.

Бугун оиламиздаги етишмовчиликлар бартараф бўлди, бу ишларнинг бошида турганларга раҳмат айтмоқчиман.

Феруза БОБОҚУЛОВА, (Сурхондарё вилояти):
– “Ўз уйинг, ўлан тўшагинг”, деган ҳикматли сўз топиб айтилганига ҳаётим давомида кўп бора амин бўлдим. 4 сотих, 5 хонали уйда 13 киши бўлиб яшадик. Кейин қийналсак ҳам туманимиздаги кўп қаватли уйлардан бирида ижарага яшадик. Икки йилдан ортиқ вақт мобайнида ойига 1,5 миллион сўм пул тўлаб, ижарама-ижара юрдик.

Ўзим боғчада тарбиячи, турмуш ўртоғим бир идорада ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Туман ҳокимлигининг кўмагида кўп хонадонли уйлардан бири имтиёзли кредит асосида бизга берилди. Ойига кредит тўловимиз 800 минг сўмга яқин бўляпти. Бундай имконият бўлиши бир пайлар тушимизга ҳам қирмаган. Бундан фақат миннатдоримиз.

Энди бизнинг ҳам ўз Ватанимиз бор. Энди мен ҳам ишдан чиқиб, сўраганларга бемалол ўз уйимга кетаялман, деб айта оламан. Биргина шу сўзни айтишни неча йиллаб орзу қилганман. Ўз уйимда, яқинларим даврасида Мустақиллигимизнинг 31 йиллигини муносиб нишонлайман.



Қардош халқлар дўстлиги янада мустаҳкамланмоқда

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Самарқанд шаҳрида Форс-тожик адабиётининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Рудакий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Бадриддин Насриев ҳамда партия фахрийси Дилбар Имомова иштирок этишди.

Маъмур мажмуанинг яратилиши азалдан яқин кўшми, қардош бўлган ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки халқ ижодкорларининг ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

» **Ҳақиқатни айтишим керак, ногирон аъзоси бор оилаларга уй-жой берилибди, деб телевизордан ёки газеталардан ўқиб қолардик. Биров ишонса, биров ишонмасди. Мана, ҳақиқат бор экан, давлатимиз раҳбарининг ногиронлиги бор оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганини ўз ҳаётим мисолида кўрдим ва ҳис қилдим.**

Садоқат УЗОҚОВА, (Самарқанд вилояти):
– 2018 йилгача туманимиздаги касб-хунар коллежида либослар дизайнерлиги бўйича ўқувчиларга дарс бердим. Коллеж тугатилгандан сўнг ишсиз қолдим. Ўтган уч йилда рўзгоримизда етишмовчиликлар бўлди. Айтиш эсимдан чиқай, дебди. Беш нафар фарзандимизни уйли-жойли қилиб бўлганмиз. Ҳозир уйда 2 нафар ўғлим бор. Бири мактабда, бири эса университетда контракт асосида ўқийди. Ишсиз қолганим учун рўзгоримизда етишмовчиликлар бўлаётганиди. Турмуш ўртоғим фермерлардан ерни ижарага олиб, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиради. ЎзХДП Оқдарё туман кенгаши раиси ҳамда маҳалладаги ҳоким ёрдამчиси оилавий шароитимизни ўрганиб, ҳовлимизда банкнинг имтиёзли кредити эвазига иссиқхона қуриб, бодринг етиштиришни маслаҳат берди. Икки йилдан турганимизда улар кредит маблағига қуриладиган иссиқхонани таъминотчининг ўзи келиб қуриб бериши билан бирга, бодринг уруғини ўзлари олиб келиб беришини ва қандай парвариш қилишгача ўзларининг мутахассислари келиб ўргатишини айтди.

Шундан сўнг, ҳовлимизнинг 3 сотихига 30 миллион сўмлик кредит маблағига иссиқхона қуриб, бодринг эқдик. Эътиборли жиҳати, биринчи ҳосилни олганимизгача таъминотчи корхонанинг мутахассислари бодрингни қандай парваришlash ва қайси вақтда минерал ўғитлар бериш лозимлигини ўргатиб турди. Апрель ойининг охиридан бошлаб, август ойининг бошигача ҳосил олдик.

Даромадимиз зўр бўлди. 3 сотих ердан 20 миллиондан ошдиқ фойда кўрдик, бузоқли сигир ҳам олдик. Бундан ташқари, маҳалламиздаги эр-хотинни ҳам иш билан таъминлаб, иккаласига бир ойда 2 миллион 400 минг сўмдан ойлик маош бердик. Халқимизнинг яхши яшashi учун қайғураётган Президентимиздан миннатдориман. Уларнинг халқчил сиёсати туфайли кам даромадли, молиявий кўмакка муҳтож оилалардан даромадли, рўзғори тўқин ва фаровон оилага айландик. Оиласи тинч, даромади бор оилага ҳамма байрамлар ярашади. Илоҳим, юртимиздаги барча оилаларда ҳар куни байрам бўлсин.

Маржон ИБОДУЛЛАЕВА, (Хоразм вилояти):
– Қайнота-қайнонам ва 4 ака-ука ҳамда келинлар, фарзандлар билан бирга жами 22 нафар бўлиб, 5 хонали уйда бирга яшардик. Одамзод ҳар қандай шароитга мослашиб, яшаб кетаверади. Аммо инсон ҳаёти давомида ўзи орзу қилгандек яшашга ҳақли. Қайнотамнинг уйида одам кўпчилигидан ёмон яшардик, демокчи эмасман. Қайнонам ва келинлар аҳил-иноқ бўлиб яшардик. 4 нафар фарзандим бор. Катта ўғлим ва қизим туғма ногирон. Шу боисдан кўпчилик бўлиб битта уйда яшашга қийналардик. Бу шароитимиздан ЎзХДП Хива шаҳар кенгаши раиси яхши хабардор эди. Шаҳар ҳокимининг кўмагида 3 хонали, 2 сотихли уйли бўлдим.

Ҳақиқатни айтишим керак, ногирон аъзоси бор оилаларга уй-жой берилибди, деб телевизордан ёки газеталардан ўқиб қолардик. Биров ишонса, биров ишонмасди. Мана, ҳақиқат бор экан, давлатимиз раҳбарининг ногиронлиги бор оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганини ўз ҳаётим мисолида кўрдим ва ҳис қилдим. Шу боисдан Президентимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдирмоқчиман. Фарзандларим ўз уйда, “Ўз ватанида”, эмин-эркин яшаяпти. Буни бир она сифатида кўрганимдан жуда бахтлиман.

Шоҳида Ҳамроева, (Қазақдарё вилояти):
– 36 йилдан буён Косон туманидаги 86-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келаман. Турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг фарзандларимни ёлғиз вояга етказдим. Ҳозирда ўғлим, келиним ва набираларим билан бирга яшаймиз. Ўғлим кунлик ишларда устачилик қилади. Аммо бундай ишлар ҳар куни ҳам бўлмайди-да. Оилавий аҳволимизни ЎзХДП Косон туман кенгаши раиси яхши биларди. Бир куни кенгаш раиси билан маҳалладаги ҳоким ёрдამчиси уйимизга келиб, имтиёзли кредит эвазига бройлер жўжаларни олиб парвариш қилишни тавсия қилди.

Ушбу таклиф маъқул бўлди ва 23 миллион сўм кредит маблағига мингта жўжани таъминотчи етказиб берди. Кўшимчасига жўжаларнинг озукаси билан ҳам таъминлаб турди. Шу десангиз, бу


Рухсат ҒОФУРОВА, (Бухоро вилояти):
– 23 йил олдин отамдан айрилиб қолгандик. Онам 4 ўғил, 2 нафар қизни вояга етказиб, уйли-жойли қилди. Ҳаёт экан-да, бир акам ногиронлиги боис, доимо бир одамнинг парваришига муҳтож. Биз ўқиб, касб-хунар ўргандик. Онам эса акамга ғамхўрлик қилди. Бир йил олдин онам ҳам вафот этди. Шундан буён акамга мен ғамхўрлик қилаялман. Тўғри, акам ногиронлик пенсиясини олади. Аммо рўзгор ва акам вақти-вақти билан даволаниб туриши учун дори-дармонга маблағ етмаётган эди. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдამчиси оилавий шароитимиз билан танишди ва мени кўлимдан нима келишини сўради. Шунда тикувчиликка ўқувим борлигини айтдим. Август ойининг бошида ҳокимиятга қақришиди ва тикув машинаси беришди.

Ҳаётимнинг ҳақиқати шуки, анча йил олдин отамдан, бир йил олдин онамдан ажралганимиздан сўнг, кимга суянишин билмай турганимда биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни давлат ўз ҳимоясига олганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ҳозирданок таниш-билишлар кийимларини тикишга буюртмалар беришмоқда. Энди мен ҳам ишли бўлиб, даромад топаётганимдан хурсандман.

Гулнора АСАТУЛЛАЕВА, (Тошкент шаҳри):
– 4 нафар фарзанднинг ёлғиз боқувчисиман. Ўтган йиллар мобайнида Чилонзор туманидаги ободонлаштиришда ишладим. Бунинг ўзи бўлмасди. Кишнинг қаҳратон куни бўлади, ёзининг жазирима иссиғими, фақат ташқарида ишлаш керак. Шу тарзда ишлаб, оиламни кўлимдан келганча таъминлаб келдим. Вақт ўтиши билан бу ишда ишлашни соғлигим кўтармай қолди. Шундан сўнг, туман ҳокимлигига ижтимоий ҳимояга муҳтож, фарзандларини ёлғиз тарбиялаб келаётганларга давлат томонидан бирон ёрдამ берилиши мумкинми, деган мазмунда мурожаат қилдим. Боиси, фарзандларим вояга етиб, ўғлим олий таълимда ўқийдиган, қизим эса оила қурадиган вақти келиб қолган. Шунда ҳокимиятдагилар бирон касб-хунарни биласизми, деб сўради. Мен тикувчилик кўлимдан келишини айтдим.

Бироз вақт ўтгандан сўнг, ҳокимиятга қақришиб, замонавий тикув машинасини барча зарур бўлган жамланмаси билан қўшиб беришди. Ҳозирда аёлларнинг кийимларини тикишга буюртмалар бўляпти. Уларни ўз вақтида тикиб етказиб бермоқдаман, оиламизга даромад кела бошлади. Бундан жуда миннатдориман.

Рухланиб, ишларимни янада ривожлантиришни ният қилдим. Молиявий томондан имкон топиб бошлангичига яна 2-3 та шундай тикув машинаси харид қилиб, кичикроқ бўлса ҳам цех очмоқчиман. Бошланғич сармоя – тикув машинаси давлат томонидан беғараз берилганига жавобан ўз ишимни йўлга қўйиб, тадбиркорлик қилиш истаги пайдо бўлди. Мақсадим қийналган ёлғиз аёлларни ишга олиб, даромад топишига кўмаклашиш.



Ўз мухбиримиз

Қадри ёшлар!
Сизларни азиз Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман!

Сўнгги йилларда бизларга қаратилган эътибор ва юксак ишонччи оқлашда, уртимизга муносиб фарзанд бўлиб, Ватанимизга хизмат қилишда, барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Бугун халқимиз Ўзбекистоннинг ривож ва равнақи йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Биз учун янги имкониятлар очилмоқда, илмий-техник ва интеллектуал салоҳият ривожланмоқда, келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Бугунги кун ёшлари дунё миқёсида ўз эркинликлари, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига оид долзарб муаммоларни ҳал қилиши ва уларга таъсир кўрсатишида демократик ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ҳақиқий иштирокчисига айланишмоқда.

Мухтарам Юртбошимизнинг “Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлоддир”, деган сўзлари бизга янада ишонч, куч-қувват бағишламоқда.

Шунинг учун ҳам олий мақсадларимизга эришиш учун меҳнат қилишимиз ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини ошириш учун янада бирлашишимиз лозим. Ёрқин келажак ўз кўлимизда. Ишончим комилки, ўқиб, изланиб, ўз устимизда ишлаб, фаровон ҳаёт кечирришга эриша оламиз.

Мустақиллик айёми барчамизга қутлуғ бўлсин! ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшлар сектори раҳбари.

Ёшлар парламенти аъзоси, депутат Муҳиддин НИЗОМИДДИНОВ.

“Ўзбекистон овози” мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.



УНИ СЕВИБ ЭЛ ТИЛГА ОЛУР...



Зулайхо АКРАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Асрлар оша "чангу-ғуборлар" ичра яшаб, залолат қатлари қаридан ёриб чиққан 31 йилли шарафлаган, Қақнусдек нур сочиб қанот қоққан, Қуёшдек порлаб дунёлар бағрини иситган азиз Ўзбекистоним!

Бугун қутлуғ тўйинг арафасида, қалбимда битилган бор илиқ сўзларим Сенга армуғон бўлсин!

Инсонга тинчлик керак! Фаровонлик эса одамзод меҳнатининг мевасидир.

Интилган, интилишдан чарчамган, нияти эзгу, мақсади олий халқ олдида яхшиликлар ва фаровон ҳаётдан ўзга маёқ бўладими?

Бугунги дунёдаги таҳликали вазият деярли барча давлатларнинг олдида, ҳар бир одамида қутулмаган хатарларни пайдо қилмоқда.

Пандемиянинг иқтисодий оқибатлари оғир бўлди, ресурслар қиммати ва қиймати ошди. Энди башариёт очарчиликнинг кенг тарқаб кетмаслигига интилмоқда.

Сайёрадаги турли муаммолар ёшларни ўз димида тортимоқда.

Бу нафақат айрим халқлар, балки бутун инсоният тақдирига хавф демакдир.

Янги Ўзбекистон танлаган йўлига назар солар эканмиз, "Инсон манфаатлари — ҳамма нарсдан устун" ва "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойиллар асосига қурилаётган ислохотлар тезкорлиги ва шиддатини эътироф этмаслик эса асло мумкин эмас.

Хусусан, азиз халқимиз учун соғлиқни сақлаш, таълим олиш ва муносиб турмуш шароити учун зарур бўлган доимий иш ўринларини яратиш, юртимизнинг қишлоқ жойларига ҳам инфратузилмани замон талаблари асосида ривожлантириш, аҳолининг ичимлик суви, газ билан боғлиқ ҳамда бошқа зарур эҳтиёжларини талаб даражасида қондиришга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ва манзилли эътибор қаратила бошланди. Бунда маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари, округларда депутатлар ёрдамчилари каби муҳим институтлар татбиқ этилди. Пировардида, аҳолини қийнаётган муаммоларни уйма-уй юриб ўрганиш, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, ёшлар ва хотин-қизлар билан индивидуал ишлаш механизми яратилди.

Шу ерда эътиборни бир маълумотга қаратмоқчиман.

2022 йил 31 май куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

Унда давлат раҳбари томонидан "Асосий мақсадимиз — аҳолини рози қилиш эканини бир зум ҳам унутмаслик лозим. Нархларни сунъий ўтказишга бўлиб, бу масалада кўзбўямачилик ёки ура-урачиликка йўл қўйиб бўлмайди", дея алоҳида таъкидланди.

Афсуски, жорий йилда дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархларнинг ўсиши кун сайин кучаймоқда. Жаҳон бозорларида бугун нархи 50 фоизга, ўсимлик ёғи 33 фоизга, шакар 14 фоизга, нефть 47 фоизга ошди.

Пандемия ва унинг ортидан дунёдаги сиёсий кескинлашув шароитида Ўзбекистон тутаётган оқилона сиёсатни фуқаро ўлароқ эътироф қилиш адолатдан бўлади. Бинобарин, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон "Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги" индексида 2021 йилда 113 та мамлакат орасида 53,8 балл билан 78-урини (2020 йилда 83 ўрин) эгаллаб, 5 поғона кўтарилган.

Юртдошларимиз ҳаётига бу чоралар бевосита таъсир ўтказиётганини "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ҳамда "Ёшлар дафтари"ни жорий қилиш ортидан бўлаётган ўзгаришларда ҳам кўришимиз мумкин.

Аҳолининг ушбу дафтарларга кирган ижтимоий гуруҳларига кўрсатилаётган ёрдам, берилаётган имтиёз ва қўлланилаётган энгилликларни санасак, мақола

бир тўплам асарга айланиб кетади. Буни ўз турмушида кузатаётган юртдошларимиз тасдиқлаётганлиги ва эътироф этаётганликлари ҳам шубҳасиздир.

ЁШЛАРНИ АСРАШ ЭРТАНИ АСРАШ ДЕМАКДИР

Афсуски, дунёда бугунги кунда аввало, ёшлар ҳаётининг мураккаблашуви, уларнинг олдида қутулмаган ва янги муаммолар пайдо бўлаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, турли муаммолар сабаб ёшларни ўзлари тушунмаган ва охиригача англаб ета олмайдиган вазиятлар домига қасддан тортиш, уларнинг илми ва дунёқараши ҳали тўлиқ шакланмаганидан фойдаланиб, турли ёвуз мақсадлар йўлида қурбон қилинишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бундай вазиятда ҳар бир халқ ўз келажак авлоди учун янада кўпроқ қайғуради. Азалдан болажонлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келган халқимиз эса ўз фарзанди тақдирини йўлида осонгина чекинмайди. Бу чекинмаслик, аксинча, муаммоларга қарамасдан ёшларни камол топтиришга оид иштиёқ давлатимиз сиёсатида ўта муҳим ўрин тутишини кўйида келтириб ўтадиган мисолларимиз ҳам яққол кўрсатиб беради.

Бунинг учун жорий йил 30 июнь — Ёшлар кунинидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасига назар солсак, Янги Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати бор буй-баси билан кўз олдимизда гавдаланади. Шу кун муҳтарам Юртбошимиз мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар кунини билан табриклаб, нутқ сўзлади. Ёшлар учун яратилажак кўшимча имкониятлар эълон қилинди.

Жумладан, "Ёшлар дафтари"да кўзда тутилган имтиёз ва энгилликлар энди 14-17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этилишини ёшлар мамнуният билан қабул қилдилар. Ўз навбатида, мавжуд имтиёзлар сони ҳам 11 тадан 25 тага кўпайтирилиши юртимиздаги ҳеч бир ўғил-қиз, каттаю кичикни бефарқ қолдирмагани табиий.

Шунингдек, жорий 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробарга оширилиши, улар учун ҳам таълим кредити жорий қилиниши ёшларни беҳад қувонтирди.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти касб танлашда ИТ соҳаси билан боғлиқ йўналишларга мойиллигини билдирмоқда. Дарҳақиқат, бу келажак касбларидан, десак муболаға қилмаган бўлаемиз.

Шу боис, хусусий таълим муассасаларида дастурлаш, вэб-дизайн, анимация каби касбларни ўрганиш истагидаги ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилиши кўплаб ёшларнинг орзуларини амалга оширишда ҳал қилувчи қўлловдир.

Албатта, ёшларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларни кўп жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, Президент томонидан тадбиркорлик дастурларига 220 минг нафар, касб-хунар ўрганишга 130 минг нафар, давлат қороналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар жалб этилиши маълум қилинди. Бу эса, юртимиз келажакнинг эгалари учун энг ишончли ҳимоядир.

Ўз навбатида, жорий йилдан бошлаб, 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаблари ўз ҳудудидидаги маҳаллалар, мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда ишлаш бошлайди. Бу эса, ёшлар саломатлигини таъминлашнинг энг самарали ва муҳим шартидир.

Ёшларимизнинг илм-фан, спорт ва санъат соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари салмоқлидир. Айниқса, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида Ўзбекистон жамоасининг муваффақиятли иштирок этгани ва голибликни қўлга киритгани барча спортчиларимиз оилалари ҳамда бутун Ўзбекистон бўйлаб байрамога кайфиятни пайдо қилди. Миллионлаб ёшларнинг спортга муҳаббатини оширгани ҳам бор гап.

Бугун юртимиз ва хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинаётган, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида голиб бўлаётган ёшлар шахсан Давлат раҳбари бошчилигида ёш авлод камолотида қаратилаётган юксак эътибор маҳсулидир.

Энг асосийси, бу ислохотлар юртдошларимиз ва ёшлардаги эртанги кунга ишончни мустаҳкамламоқда.

Азиз ватандошим, ака-укам, опа-жоним, қадрли синглим! Ягона тилагим Мустақиллигимиз абадий бўлсин! Мустаҳкам бўлсин!

Янги Ўзбекистон эришаётган марралар келбати янада улғувор бўлиб, дунёда тутган ўрнимиз кун сайин мустаҳкамланаверсин.

Улуғ байрамимиз, истиқлол эпкинни эсаётган мунаввар тонлар, осуда тунлар, янги-янги зафарлар муборак бўлсин!



Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:

таълим бу — бизнес. Зеро, жаҳон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, тараққиётни тезлаштирадиган омил бу малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал мутахассислар ҳисобланади. Бутун дунё тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эта оладиган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш, таълим тизimini замонавийлаштириш, уни коррупциядан холи қилиш учун жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Улардан бири кредит-модуль тизимидир. У ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модульнинг ўқув натижалари ва яқуний назоратни қўзатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб борувчи ўқув дастурини ўзлаштириш жа-

раёни келажакда мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этади.

Айни чоғда баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг тақомиллашишига ҳам олиб келади. Амалдаги ўқитиш тартибидан фарқли ўлароқ, кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал дарс жадвалига киритилади. Мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиш-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратяди.

Жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳар бир ишни халқимиз билан баҳамжиҳат амалга ошириш Президентимиз юротаётган сиёсатнинг бош гоёсига айланган. Халқ ва ҳокимият ўртасидаги "деворлар" олиб ташланди.

ТАЪЛИМ, БИЛИМСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАГАН

— Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз олдимизда турган бешта устувор вазифани белгилаб бердилар. Шулардан биринчиси ва энг муҳими, таълимни ривожлантириш, ўқув дастурларини тўздан қайта кўриб чиқиш долзарб экани асослаб берилди.

Ўтган 5-6 йил ичида таълим билан боғлиқ оғриқли муаммолар бартараф этилди. Қисқа вақт ичида мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Хорижий экспертларни ва ватандошларни жалб этиш, давлат идораларида уларнинг кўмагига таянган ҳолда, ўзгаришлар қилиш, иқтисод, молия ва сармоя ҳамда давлат бошқаруви ва умуман, тизимли ислохотларда йирик халқаро ташкилотлардан маслаҳатчиларни таклиф этиш бугунги Ўзбекистон учун нормал ҳолга айлангани ҳам, айни ҳақиқат. Янги қонунлар устида ишлашдан тортиб, уларни амалга ошириш ва назорат қилишга халқаро мутахассисларнинг тавсияларини инобатга олинмоқда. Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс сари далил оқимламоқда.

Хусусан, таълим соҳасига эътибор ҳар доимгидан кучли. Ривожланган мамлакатларда

раёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 8 октябрида "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармониини имзолади. Ушбу муҳим дастуруламал ҳужжатда "республикадаги камиди 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўринидаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш" белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасасининг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди. Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб этишиши учун академик

Халқимизнинг давлат раҳбарига тўғридан-тўғри мурожаат қилиши учун янги тизим яратилди. Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмапти. Ҳокимлар ҳам халқ ичига кириб, одамлар дардини эшитишни ўрганиб, муаммоларга жойида ечим топила бошлади. Шу тариқа аҳолини қийнаб келган муаммолар тез фурсатларда барҳам топди. Бу Президентимизнинг "Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга қўйилган баҳодир", деган хайрли таъкидларнинг ҳаётий ҳақиқатга айланиб кетганини яққол ифода этади.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар мазмундорлиги, халқчилиги билан халқимиз кўнглини кўтармоқда. Бундан руҳланган юртдошларимиз Ватанимиз тараққиоти учун, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, "Биз яратяётган Янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм гоёси бўлади". Зеро, бу умуминсоний тушунчалар инсониятга соғлом ва фаровон келажак бахш этиш, дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим пойдевордир.

ЭНДИ ҲЕЧ КИМ ЎЗ МУЛКИДАН СУД ҚАРОРИСИЗ МАҲРУМ ЭТИЛМАЙДИ

Манба: ПФ-198-сон, 24.08.2022 й. @huquqiyaxborot

Фармонга мувофиқ, бир қатор янги тартиблар жорий қилинди. Жумладан:

Мулкка бўлган ҳуқуқни уни вужудга келтирган ҳужжатни бекор қилиш орқали тугатиш мумкин эмас. Агар ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин

Ердан ихтиёрий воз кечиш мулкдорнинг нотариал тасдиқланган аризасига асосан амалга оширилади. Энди бунинг учун ҳоким қарорини қабул қилиш талаб этилмайди

Юридик шахс тугатилганда унинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинмайди ва **ер давлат захирасига қайтариб олинмайди.** Мазкур ерлар тугатилаётган **юридик шахснинг муассисларига ўтади**

"Хабеас корпус" институти доирасида суриштирувчи ва терговчининг **мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда кўриб чиқиш тартиби жорий этилди**

Хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳолатлар белгилаб берилди

Эндиликда хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга мулкдорнинг **руҳсатисиз кириш учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар** қўлланиши мумкин

Мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкни ҳар қандай тажовуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида **мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга** бўлади

Турар жойга нисбатан мулкдор билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан **доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш талаб этилмайди**



ЎҚИТУВЧИЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

**БАЙРАМ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ЎТИБ,
5 СЕНТЯБРДАН ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ
БОШЛАНАДИ. ҲАР БИР ЎҚУВЧИ ОТА-ОНАСИ,
ЯҚИНЛАРИ ЁРДАМИ БИЛАН КАТТА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРЯПТИ. ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
ҲАМ ЎЗИГА ЯРАША ТАЙЁРГАРЧИЛИГИ БОР.
ЛЕКИН УЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН ТИЗИМЛИ
МАСАЛАЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС.**

Ҳозирги пайтда ҳудудларда ўқитувчиларнинг тиббий кўриқдан ўтиши билан боғлиқ муаммолар яна кун тартибига кўтарилди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида педагогларнинг мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилиши жараёнларида яна пулли хизмат кўрсатилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса ўқитувчиларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўқитувчи-педагогларнинг мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши бепул эканлиги қонунда белгиланган бўлса-да, амалда улардан 85 минг, айрим ҳудудларда 200 минг сўм атрофида пул ундирилатгани ҳақида фактлар бор.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш масалалари бир нечта норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бироқ шунга қарамай, мазкур нормалар ижроси бугунги кунга қадар таъминланмай келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасида тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмаслиги, яъни педагоглар пул тўламасликлари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2012 йил 10 июлда "Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 200-сонли буйруғи қабул қилинган. Ҳуж-

» **Молия вазирлиги томонидан амалдаги тартиб бўйича бепул тиббий кўриқдан ўтиши белгиланган ходимлар учун маблағ ажратилиши назарда тутилганми? Агар ҳар йили маблағ ажратилмаган бўлса, тиббиёт муассасалари нега бепул тиббий кўриқни амалга оширмайди?..**

жатда тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхати тасдиқланган. 25 та соҳа ходимлари рўйхатда келтирилган. Бепул тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим бўлган ходимлар рўйхатида энг катта ти-

зим ходимлари — педагоглар ҳам бор. Унга кўра, умумтаълим мактабларининг педагог ходимлари мажбурий тиббий кўриқдан бир йилда бир марта ўтказилиши белгиланган бўлиб, бунда тиббий кўриқдан ўтказиш пуллик асосда амалга оширилиши назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 45-моддасига асосан педагог ходимларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтиш (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун) ҳуқуқи берилган.

Яна бир ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасида ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланган миқдорда ажратиши ва корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмасликлари белгиланган.

Яъни, юқоридаги қонун ҳужжатларига кўра, ўқитувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёни бепул бўлиши ва ходимлардан пул ундирилмаслиги керак.

Афсуски, бу тартиб амалда тескари ишляпти.

Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнларида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлимлари томонидан ноқонуний равишда пул талаб қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Тиббий кўриқ жараёнларини иш берувчи томонидан ташкил этилиши белгиланганига қарамай, мактаб директорлари ўқитувчиларга "кўриқдан ўтиб келинг, бўлмаса иш йўқ" қабилида иш кўрмоқда. Аслида бу маблағ жойлардаги ҳудудий молия бошқармалари томонидан қоплаб берилиши, иш берувчи эса ташкилий ишларни ҳал қилиши лозим. Токи, ходимлар сарсон бўлмасин.

Энг ажабланарли томони шундаки, йиллар давомида ўқитувчиларни қийнаб келаётган бу масалани аслида ҳал этиши керак бўлган Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари муносабатдан бошқа чора кўраётгани йўқ.

Афсуски, 500 мингдан ортқ ўқитувчилардан иборат катта жамоанинг оддий масаласи шу вақтга қадар ҳал этилмаган.

Хаттоки, ўтган йиллар давомида ўқитувчи ва педагоглар ўз ҳуқуқлари юзасидан судга мурожаат қилиб, ютиб ҳам чиққан, бепул тиббий кўриқдан ўтишган. Бироқ, фақатгина суд қароридан кейин кўрсатилган педагогларнинг ўзи бепул кўриқдан ўтиб, қолган ўқитувчилар эса яна пул тўлашга мажбур бўлган.

Айрим ҳудудлардаги тиббиёт бирлашмалари бюджет ташкилотлари ходимларининг тиббий кўриқдан ўтиш харажатларини иш берувчи шартнома асосида пул кўчириш йўли билан қоплаши кераклигини маълум қилган. Ваҳоланки, соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йилнинг 10 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомда тиббий кўриқлар шартнома асосида ўтказилиши кўрсатилмаган.

Яна бир қизиқ маълумотга эътиборингизни қаратмоқчиман. Халқ таълими вазирлиги ҳузурда Жамоатчилик кенгаши тузилган. Бу кенгашнинг асосий вазифаларидан бири сифатида вазирлик ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-مائий, хизмат шарт-шароитларини, уларга малялаки тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шуниингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиб бориш белгиланган.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари кимлардан иборатлигига эътибор қаратинг. 34 нафар аъзонинг 1 нафари Сенат аъзоси, 4 нафари Қонунчилик палатаси депутати, яна кўплари таникли блогерлар ва тадбиркорлар ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши ҳар йили Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирлигига мурожаат билан чиқади, лекин натижадан дарак йўқ. Қонун ҳужжатлари ишлайдими? Ёки вазирликлар бир-бирига мурожаат қилиб вақт ўтказадими? Масала эса кейинги ўн йилликлар давомида ҳал этилмай келинмоқда.

Молия вазирлиги томонидан амалдаги тартиб бўйича бепул тиббий кўриқдан ўтиши белгиланган ходимлар учун маблағ ажратилиши назарда тутилганми? Агар ҳар йили маблағ ажратилмаган бўлса, тиббиёт муассасалари нега бепул тиббий кўриқни амалга оширмайди?..

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирлиги мутасаддилари бу масалаларни мувофиқлаштириб, тез фурсатда бартараф этишлари керак, деб ўйлаймиз.

Умид қиламизки, ўқитувчиларнинг жамиятда ҳурмати жойига қўйиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида дилни хира қилувчи масалалар самарали ҳал этилади.

**Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи.**

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН 5 ТА МАКТАБ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Бугунги кунда дунё бўйлаб таҳликали жараёнлар кечаётган бир пайтда юртимизда аҳолига, ўсиб келаётган ёшларга янада қулайлик яратиш, ижтимоий кўмак қамровини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, нажот таълимда. Қаерда яхши таълим бўлса, ривожланиш ҳам ўша жойда бўлади. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ўрол Ўрозбоевнинг саяҳатлари билан Жиззах вилоятидаги 5 та умумтаълим мактаби Давлат дастурига киритилиб, мукамал таъмирланмоқда. Айни кунларда уларнинг аксарияти фойдаланишга топширилмоқда.

Жумладан, Жиззах шаҳрининг Амир Темура маҳалласида жойлашган 23-умумтаълим мактаби биноси 1983 йилларда қурилган бўлиб, 354 ўринга мўлжалланган бўлса-да, бугунги кунда 870 ўқувчи таҳсил олади. Иншоот 40 йил ичида анчагина таъмирталаб бўлиб қолган эди. Бугунги кунда бино тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Ш.Рашидов туманидаги Олмачи маҳалласида жойлашган 20-мактаб биноси ҳам қайта қу-

рилди. У 1980 йилда бунёд этилган бўлиб, 630 ўринга мўлжалланган мактабда 1400 нафар ўқувчи таҳсил олиб келаётган эди. Ушбу илм даргоҳини кенгайтириш, замонавий усулда таъмирлаш ишлари олиб борилди, қўшимча 330 ўринли янги бино қурилди.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳрининг "Тинчлик" маҳалласида жойлашган 26-умумтаълим мактабида ҳам янги бино қуриш ишлари ноябрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Жиззах шаҳридаги 1-умумтаълим ҳамда 22-сонли кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган мактабларда ҳам бунёдкорлик ишлар амалга ошириляпти. Яқин кунларда улар ҳам фойдаланишга топширилади.

Депутат Ў. Ўрозбоев мактаблар таъмирини Давлат дастурига киритиш билан чекланмай, қурилиш жараёнлари қандай кетаётгани билан ҳам қизиқиб, қурувчилар билан доимий тарзда суҳбатлашиб, фойдаланилаётган материалларнинг сифати, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниш даражасини ҳам ўрганиб турибди.

ЎзХДП ахборот хизмати.





Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Харбий хизматни "Бойқўнғир" космодромидан ўтаганман. Уч йилу уч ой. "Протон", "Радуга" каби ракеталарнинг гулдурак овозда фазога йўл олганига, баъзилари носозлик боис кўтарилма олмай, ерга қулаганига гувоҳ бўлганман. Шу ерда космонавт Валентина Терешкова билан кўришганман, Георгий Береговойдан дастхат олганман.

Бир куни навбатдаги "Протон" учиршига тайёрланаётган объектда навбатчилик қилаётганим, қора кўзойнак таққан ўрта бўйли, эгнида чарм куртка, қўлида чарм портфелли бир киши келиб, "Қани солдат, бир азаматлик қилиб, мени ўтказиб юбор, рухсатномам меҳмонхонада қолиб кетибди", дея илтимос қилиб қолди. Белгиланган тартибга кўра, рухсатномасиз объектга кириш мумкин эмаслигини тушунтирдим. У меҳмонхонага бориб келгунча камида икки соат вақт ўтишини, редакциядан олган топширигини бажаришга улгурмай қолишини айтди.

– Журналистмисиз? – қизиқиб сўрадим.
– Ҳа, шундай. Ярослав Головановман, "Комсомольская правда"нинг муҳбири. Хўш, солдат, сен ўзинг газета ўқийсанми? – у шундай дея мени астойдил сўроққа тутта бошлади.

– Уқийман, мақолаларингизни ўқиганман, – шахдам жавоб қайтардим. Негаки, ўша пайтлари харбий қисм кутубхонасига келадиган "Комсомольская правда"нинг бирорта ҳам сонини қолдирмай ўқирдим. Газетада Ярослав Голованов имзоси билан космоини ўзлаштириш мавзусига доир мақолалари чиқиб турарди. Мен унга Тошкентда чиқадиган ёшлар газетаси билан ҳамкорлик қилишимни айтдим.

– Демак, журналист бўлмоқчи экансан-да? – сўради у елкамга қоқиб.

– Ҳа, хизматни тугатгач, журналистика факультетда ўқимокчиман.

– Журналист бўлиш учун нима қилиш кераклигини биласанми? – биров қувлик билан сўради у. Мен бу саволга нима деб жавоб берсам экан, дея биров тарадудланиб қолдим. У эса, жавобимни кутмай:

– Кўп ўқиш керак. Ўзинг қизиққан соҳага доир китобларни топиб, ўқийвер, – деди. Бу гап мен учун биринчи сабоқ бўлди. Ийиб кетиб, уни объектда ўтказиб юбордим. Бир неча соатдан кейин объектдан қайтиб чиқаётиб:

– Солдат, сен қоидани бузмадинг, мана рухсатномам, портфелимнинг ичиде экан, – деди ва мен билан эски кадрдонлардай хайрлашди.

Хизмат муддати тугагунча Ярослав Иванович билан яна икки-уч бор учрашдим. Ҳар келганида қурилиш объектларида, чанг-тўзон ичиде ҳафталаб қолиб кетар, қурувчилар, муҳандислар билан учрашар, инженер-техник ходимларнинг махсус йиғилишларида қатнашиб, тегишли маълумотларни тўпларди. Орадан бир неча кун ўтиб, "Комсомольская правда" газетасида унинг имзоси билан унча катта бўлмаган мақола ёки репортаж эълон қилинарди. Наҳотки, шу қисқа мақолани ёзиш учун ўн-ўн беш кун керак бўлган бўлса, дея хайрон бўлардим. Ярослав Иванович мени кўрди дегунча:

– Хўш, ўртоқ журналист, ишлар қалай? – деб сўради. Ўқиган китобларимга қизиқади. Бир гал у менга иккита китоб совға қилди. Биринчиси, буюк рус олими Циолковскийга бағишланган брошюра, иккинчиси эса Стефан Цвейгнинг «Мария Стюарт» деб номланган романи эди. Энди ўйласам, рус журналистикасининг таниқли намояндаларидан бири билан бўлган бу мулоқотларим журналистикани орзу қилиб юрган мен учун кўп аҳамиятли бўлган экан...

Олтмиш саккизинчи йилнинг кеч кузида роса уч йилу уч ой деганда харбий хизматдан қайтиб келдим. Омад бир келмаса, келмас экан. Ўқишни тугаллашимиз арафасида ўн йиллик мактаб бирданига ўн бир йилликка айланиб қолди. Бир йилни йўқотдик. Харбий хизмат муддати бир йилга қисқаради, деган гаплар бор эди, бу имконият биздан кейингиларга насиб этди. Менга ёз адоғида жавоб тегиши керак эди, аммо уйга имтиҳонлар тугаб, ўқишлар бошланганидан кейин қайтдим. Яна бир йил кетди деярверинг. Вақтни беқорга ўтказмай, мактабда ўқитувчиларнинг давом эттирдим. Ёзда тўйимиз бўлди. Ўша йили Тошкентга келиб, журналистика факультетига ҳужжат топширдим. Тўртта имтиҳондан 18 балл тўплардим. Адабиётдан оғзаки имтиҳонда комиссия аъзоларига «Бойқўнғир» таассуротларини гапириб бердим.

Шу баҳона имтиҳон олаётган домлаларни таниб олдим: Тўғон Эрнзаров, Сайди Умиров, Мухтор Худойқулов, комиссия раиси Умарали Норматов, тарих фанидан яна битта Эрнзаров номли чапақай домла.

Мандат комиссияси мажлисида университет ректори Саъди Ҳасанович Сирожиқовнинг мендан:

– Яхши балл олибсиз, Москва давлат университетида ўқишга жўнатасан, борасизми? – деб сўраб қолди. Тўғриси, бундай таклифни сира кутмаган эдим, нима дейишни билмай туриб қолдим. Хаёлимга "18 балл билан ҳам ўтмабман-да, шунинг учун мени Москвага жўнатишмоқчи", деган фикр келди. Жиддий ўйлаб қолганимни кўрган домланинг ўзи вазиятни юмшати:

– Бизга иккита ўрин ажратишган. Тажрибангиз бор экан, бунинг устига рус тили ўқитувчиси экансиз, Москвада ўқисангиз ёмон бўлмасди. Дарвоқе, оилавий шароитингиз яхшими?

Бу саволдан кейин ўзимга келдим. Салобатли домлалар жавобимни кутиб менга қараб туришибди. Хаёлимни жамлаб тилга кирдим:

– Раҳмат домла, жон деб борар эдим, аммо... яқинда бир айб иш қилиб қўйган эдим-да, – дедим.

– Ие-ие, нима айб иш қилган эдингиз? – хайратомуз қизиқиш билан сўради Саъди Ҳасанович.

– Имтиҳонга келишдан олдин... тўйимиз бўлди...

Ҳамма "гувв" этиб қулиб юборди. Саъди Ҳасанович мириқиб қолди.

– Шунанга денг? Майли, яхши айб экан, кечирамиш, ўзимизда ўқийверасиз.

Шундай қилиб, Тошкент давлат университетининг талабаси бўлдим, ўзимдан олти ёш кичиклар билан ўқишни бошладик. Ёшим катта бўлгани учун, бошқа ўқитувчилар билан ҳам танишиб ол-

Шу пайт катта йўлда уч-тўртта машина кўри-ниб, бирин-кетин биз томонга қараб кела бошлади. Қизиқсиниб қараб турибмиз. Машиналар терилган пахта тарозиде тортилиб, тележкага юкланаётган майдонча олдига келиб тўхтади. Улардан бирининг эшиги очилиб, бошида ок шланга, басавлат киши пахта тушди. Бошқалар ҳам тушиб, афтидан, анча катта раҳбар бўлса керакки, дарҳол атрофини ўраб олишди. Катта раҳбар Тўғон ака турган томонга қараб юра бошлади. Домла раҳбар томонга қараб тезлашди. Иккалалари пахтазорнинг ўртасида дўст-қадрдонлардай кўришибди. Қисқа суҳбат тугаб, машиналар енгил чанг кўтариб, биздан узоқлашганидан кейин билдикки, Тўғон Эрнзаровнинг далада эканлигини эшитиб, у киши билан саломлашгани келган раҳбар... Шароф Рашидов экан.

Ҳалигача ўйлайман, кўп ўйлайман: домланинг ўрнида бошқа бир киши бўлганида борми, "Мана, кўрдингларми, мени ким қандай ҳурмат қилишини", деб, анча-мунча одамнинг мазасини қочирарди. Тўғон домла бундай одамлар тоифаси-



ТЎҒОН ДОМЛА

"ёзди-ёзди" кўринишидаги кўзга кўринмас, қўлга илинмас курашлар ҳақида айрим мулоҳаза ва хотиралар

дим: Ғайбулла Саломов, Очил Тоғаев, Ботирхон Акрамов, Тоҳир Пидаев, Сайёра Низомиддинова, Ольга Алякринская, Воҳид Абдуллаев, Бойбўта Дўстқораев, Абдулла Сайфиқов...

Факультет декани Тўғон Эрнзаров мени хонасига чақиртириб, тўшмай суҳбатлашди. Ёзган мақолаларим, ўқиган китобларимга қизиқди. Тарих фанига доир бир неча саволлар берди. Кичик жуссали, қорамғиздан келган раҳбарнинг олдида ўзимни анча эркин тутдим, чунки у киши мени талаба бўлсам-да, эътибор билан тинглади. Суҳбат якунида гуруҳ талабаларига бош ("староста") бўлишимни айтиб, бу иш анча мушкуллигини тушунтирди.

Факультет декани билан бўлган суҳбатдан ўзимга бўлган ишончим янада мустаҳкамланиб қикдим.

Орадан икки ҳафта ўтди. Дарслар энди-энди қизгин тусга кирган, олис-яқин вилоятлардан келган, танлаган касблари ҳақидаги тасаввурлари, ҳаётий тажрибалари турлича бўлган йигит-қизлар бир-бирлари билан танишаётган, талабчан домлар дастлабки баҳоларни эълон қилаётганида... пахта терими бошланиб, турнақатор автобусларда Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим" қўшиғини ингичка-йўғон овозларда кўйлаганча Мирзачўлга отландик. Ўшанда осмонни шаҳар осмонидан анча паст, юлдузлари ёрқин, жилвакор, ҳавосида минг йиллик гўёларнинг иси анқийдиган чўл бағрида роса етмиш кун қолиб кеттишимизни, бу ерда бизни қандай синовлар кутаётганини тасаввур ҳам қилмаганмиз. Ва яна: етмиш кун ичиде ҳаммамиз ҳаётнинг ўта реал, маълум маънода шафқатсиз (бир қозондан овқат ейиш, макоронли шўрвага тоқат, қизлар терган зил-замбил пахтани эгат оралаб тарозига элтиш, кийим-бошни ювиш, ёғоч барак ичиде тонгга қадар тинимсиз янграйдиган узун-қисқа хурракка жўровозлик қилиш) имтиҳонидан ўтишимиз зарурлигидан беҳабар эдик.

Шундай бўлди ҳам. Кимдир ўтди, кимдир ўтмади. Аммо бу асосийси эмас. Мухими, чўлда биз журналистика, матбуот, муҳбирлик, суҳбатдошлик, хабардорлик, тезкорлик, холислик, танқид ва таҳлил нималигини тушуниб етдик. Ойдин кечаларда ёқилган гулханлар атрофиде тобландик. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ижоди ҳақида илк тасаввурга эга бўлдик.

Пахта сиёсати жуда қаттиқ эди ўша пайтлари. Кунлик режани бажармаган талабаларга босим ўтказилар, баъзи шоввош раҳбарчалар уларни талабалар сафидан чиқариш учун рапорт эълонга бориб етишарди. Бундай вазиятда факультет раҳбар ўзини вазимн тутар, сўзда пахта сиёсатини қўлласса-да, талабаларга зуғум қилмаслик тарафдори эканлигини сезиш қийин эмасди.

Бир куни хаёлимга муҳрланиб қолган бир воқеа юз берди.

Пахта даласидемиш. Совхоз раҳбарларидан бири пахтани тоза термаётган (яхши очилмаганларини чанокда қолдираётган) талабага: "Сен бола, пахтанинг душманинмисан, нега зараркунандалик қиляпсан, етказган зарарингга жавоб берасан ҳали, ҳе ўша..." дея ўшқира кетди. Тўғон ака шу яқин-атрофда эди, аста юриб келди-да, раҳбарга қараб, "Укажон, ўпкангизни босиб олинг, бу йигит-қизлар – бўлажак журналистлар, пахта ҳақида ёзадиган қаламқашлар, уларни хафа қилманг", деди. Раҳбар шаштидан тушди.

дан эмасди. Майин муомалали, бировнинг дилини оғритмайдиган, ҳар бир сўзини одоб элагидан ўтказиб айтадиган раҳбарлардан эди.

У йиллари фанларни тўла ўзлаштирмаган қарздор талабалар стипендия олишмасди. Домла вазиятни ҳар тарафлама ўрганиб, имкон борича уларга ёрдам қиларди. Талаба, ўқитувчи ёки ота-она домланинг ҳузуридан хурсанд ҳолда чиқарди.

Пахтадан қайтганимиздан кейин факультетда "Чўл бағрида етмиш кун" деб номланган узунлиги 2 метрли деворий газета чиқардик. Баъзи мақолалар анча "эркин" ёзилган экан, баъзи раҳбарларга ёқмай, нордон-чучмал гап-сўз бўла бошлади. Тўғон домла бу сафар ҳам жонимизга оро кирди.

Ушбу сатрларни қоғозга туширар эканман, факультетда (айрим бошқа факультетларда ҳам) биз ўқиган 1969-1974 йилларда бўлиб ўтган кўп воқеалар кўз ўнгимдан ўтади. Қувонарли, ёдда қоларли воқеалар кўп бўлган. Бадиий адабиётимиз, миллий матбуотимиз ва бошқа соҳаларда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган Ҳалима Худойбердиева, Эркин Аъзамов, Усмон Азим, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хуршид Даврон, Мухаммаджон Обидов, Шарифа Салимова, Икром Отамурод, Сувон Мелиев, Раҳматилла Шералиев ва яна кўплаб бошқа ижодкорлар айна шу йиллари журналистика факультетда таҳсил олишган. "Журфак"чилардан давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат фидойилари, таниқли олимлар етишиб қикди, факультетимиз катта ижодий ҳаёт мактабига, бўлажак журналистларга сабоқ бераётган устозлар эса фидойи мураббийларга айланди. Аммо...

Таассуфки, эсласанг, ҳали-ҳануз кўнглинг гаш тортадиган, афсусланадиган ҳолатлар ҳам бўлган. Бунга ўша йиллари нафақат университетда, бутун мамлакатда, турли ташкилоту идораларда, ҳатто оддий маҳаллаларда ҳам авж олган хунук бир одат – юқорига имзосиз "юмалоқ" хат жўнатиш, текиририш учун келганларга ёлғон маълумот бериш сабаб бўлган десам, ҳато бўлмайди. "Ташқи душманни қўриб турасан, у билан кураша оласан, аммо кўринмас ички душман ҳаммасидан ёмон", деганларидеи, "думалоқ" хатларни уюштириш, сохта ҳужжат ва кўрсатмалар тайёрлаш кучайиб, асабий муҳокамалар ўтказиш ҳар қандай жамоанинг тинка-мадорини қуритар, ишдан, ижоддан чалғитарди. Фақат университетда ёки факультетда эмас, кўп жойларда айна шундай эди. Энди биттасини ҳал қилганимда, яна бошқа "нома" юқорига ўрмаларди. Уларни эринмай қўриб чиқадиган, шу ишлардан ҳаловат топадиган одамлар бўларди.

Ўзим беш йил таълим олган журналистика факультетиде бизларга сабоқ берган устозларнинг барчасини беистисно ҳурмат билан эслаймиз, аммо... факультет домлалари орасида у йиллари ўзаро яқдиллик, иноқлик йўқлиги, ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаш қийин бўлган "ёзди-ёзди" кўринишидаги кўзга кўринмас, қўлга илинмас курашларни, зарур "қулоқ"ларга шипшитиб қўйиладиган мингир-мингиларни ҳам инкор этмайман. Бундай қондасиз "кураш"лар кўпларни, жумладан, Тўғон домлани ҳам навқирон ёшда хоритди. Шо-гирдлар, садоқатли ҳамкасбларга домлани 60 ёш билан кушлаш ҳам насиб этмади. Тўғон домладан матбуотимиз тарихига, харбий журналистикага оид кўплаб илмий тадқиқотлар, истеъдодли шо-гирдлар ва уларнинг қалбиде самимий хотира қолди.



Оилавий нодавлат боғчаларда:

✓ қатнаётган ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари ва махсус контингентлар сони тарбияланувчилар сонининг 70 фоизидан кам бўлганда, етмаган қисмига бошқа оилаларнинг болаларини қабул қилишга рухсат этилади;

✓ тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчи лавозимлари учун 4,5 тагача штат бирлигини ажратишга рухсат этилади;

✓ тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчиларга бюджетдан иш ҳақини қоплаш учун субсидия тўридан-тўғри ушбу ходимларнинг пластик картасига ўтказиб берилади;

Давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган боғчаларда, оилавий боғчаларда:

✓ бюджетдан тўланадиган субсидия ва компенсацияларни ҳисоблашда 3 ёш ва ундан катта ёшдаги, лекин 7 йил 8 ойдан катта бўлмаган ёшдаги тарбияланувчилар ҳисобга олинади;

✓ ота-оналар тўлови миқдорини мустақил равишда белгилаб 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишга рухсат этилади.

* * *

ҚОНУНЧИЛИККА КўРА:

✓ жисмоний шахсларга тегишли ишлаб чиқарилганга 10 йилгача бўлган енгил автомобилларнинг техник қуриқдан ихтиёрий равишда ўтказилади;

✓ енгил автомобилларнинг қуйидаги муддатларда мажбурий техник қуриқдан ўтказилади:

✓ ишлаб чиқарилганга 11 йилдан 14 йилгача бўлган енгил автомобилларнинг – 2 йилда бир марта;

✓ ишлаб чиқарилганга 15 йил ва ундан ортиқ бўлган енгил автомобилларнинг – 1 йилда бир марта.

✓ Бунда мазкур муддатлар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолиятида фойдаланиладиган енгил автомобилларнинг учун татбиқ этилмайди.

* * *

Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бунда, ходимнинг иш стажиде 1 ойгача бўлган танаффуслар мавжуд бўлса ушбу танаффуслардан олдинги ва кейинги ойлар кетма-кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади.

Келгусида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини орқали босқичма-босқич тўланади.

* * *

Ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вақиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижарада яшайдиган давлат ОТМ талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади.

Бунда:
✓ ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида – БҲМнинг 1 баравари (300 минг сўм), қолган ҳудудларда – БҲМнинг 0,5 бараваридан (150 минг сўмдан) ошмаслиги лозим;

✓ ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжанд оила фарзандларига, ўрناق кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилади;

✓ ОТМ томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкин.

ЭГИЛАЁТГАН ТОҒЛАР

ёхуд ўзгараётган Варганза қишлоғидан яхши хабарлар

Зарафшон тизма тоғлари пойдами. Узокдан аввал Қайнар қишлоғининг баланд-паст уйлари, кейин тош-ҳарсанглар орасидан юқорига кўтарилиб кетган машҳур Тахтақорачи давонининг кескин бурилишлари элас-элас кўзга ташланади. Ҳамроҳим – Китоб туман ички ишлар бўлими бошлиғининг учинчи сектор бўйича ёрдамчиси Фаррух Боймирзаев “Матиз” машинасининг рулини қир бўйлаб ўтган йўлга бурар экан, “Варганзага ҳадемай етамиз”, деб қўйди...

Бирмунча вақт бурун марказий телевидение орқали туман шифохонаси ҳовлисида бўлиб ўтган жанжал кўрсатилган эди. Кейин билсам, Китоб шаҳридаги бир маҳалла ёшлари тортишиб қолишган, оқибатда катта жанжалга айланган, ички ишлар ходимлари ҳаракати билан фожианинг олди олинди. Туман ички ишлар бўлимининг йил бошида ишга келган бошлиғи Икром Тоғаевдан сўраганимда, бу воқеани яхши ўрганиш лозимлигини айтди ва тўсатдан шундай деди: — Олдимизда энг улғу байрамимиз турибди. Мен бошқараётган учинчи сектор асосан тоғдаги қишлоқлар ҳудудида. Яхши ишлар ҳам, муаммолар ҳам кўп. Шулардан бири – Варганза қишлоғи. Бормайсизми, анча янгиликларни кўрадингиз...

“Яхши бўлди, бу қишлоққа бормаганимга ҳам беш йилдан ошибди”, деб ўйладим. Дарров йўлга отландик. Анча юриб бордик, йўл тобора юқорига, тоғ-тошлар сари кўтарилиб борарди. Тоғ ёнбағирларида янги тикланган айрим иморатлар кўзга ташланиб қолди. Йўлнинг ўнг томонида – чуқур пастликда Қашқадарёнинг шўх ирмоғи шовуллаб оқиб ётибди. Дарё қирғоғида дарахтлар жуда кўп эди.

Варганзада асосан тожик миллатига мансуб аҳоли яшайди. Ундан юқоридаги, тоғ даралярида қарор топган Бодомзор, Косагар, Койни, Қушчи ва бошқа қишлоқларда ўзбеклар истиқомат қилишади. Чинорлар ўраган, ҳарсанг тошлар бағридан отилиб чиқаётган машҳур Қорабулоқнинг тиниқ сувлари тоғ дарёсининг лойқа сувига қўшилиб, қашқаланади – Қашқадарё сифатини олади.

Аммо ҳар бир хонадонда анор борлиги ҳақиқат. Ўтмишда беклардан бири қишлоққа келадиган сув йўлини атай тўсганда, қишлоқ аҳли мешкобда дарёдан сув ташиб, анорларини суғорган, деган ҳикояни кўп айтишади. “Вар” – тожик тилида шамол, демек, “шамоллар кони” бу қишлоқ. “Қизил ёкут кони” ҳам дейишади. Қува ва Дашнободнинг анорларидан тотли мевалари. Узумдан ширин шинни ҳам пиширади. Варганза – қуёшга очилган қафт, унинг тафти ва булоқ сувларидан таъм олади анорлари. Илгариги битта хўжалик ҳозир 4 маҳаллага бўлинган. Айтишларича, 16-17 тоғ қишлоғида 22 мингдан ошқ аҳоли умргузаронлик қилапти. Варганзанинг ўзи бир нечта даҳага бўлиниб кетган. Ўта мураккаб тоғ ёнбағирларида тикланган иморатлар – ҳайрат кўшиғи. Ҳар бир касбнинг мохирлари етишиб чиққан. Машҳур олим, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги Абулғоли Мирзаев шу жойда туғилган. Қушни Шатри – хушовоз хонанда Замира Сунонованинг она қишлоғи.

Ниҳоят, баланд тепалик устидаги кўп қаватли коллеж биноси қаршисига етиб келдик. Ҳозир бино бўш экан. Шу жойда кайвонилардан Турсунали Маҳмадиев, Саъдулло Эргашев ва бошқа варганзалликлар билан учрашдик. Турсунали ака анча йил



туман почта бўлимини, кейинчалик қишлоқдаги маҳаллани бошқарди. Ҳозир ўғли Баҳодиржон “Варганза” МФЙ раиси. Турсунали ака бир неча чақирқ туман кенгашининг ХДП дан сайланган депутати эди. Бир куни у мени Швеция давлатида яшаётган таниқли файласуф олим Рашид Қодиров билан телефон орқали боғлаганим. “Қалбим Варганзада, ҳар куни она қишлоғимни тушларимда кўраман” деган эди ўшанда кекса олим. Киндик қони тўкилган қишлоғидан кўнгил узолмай, бегона юртда қайтиш қилбди у. Аммо олимнинг хорижда яшаётган фарзандлари телефон орқали қишлоқдошлари билан боғланиб туришар экан...

— Зап келибсиз-да, — дейди Турсунали ака кучоқ очаркан. — Кўп яхши ишлар амалга ошди кейинги йилларда. Биринчи агротуризм тадбири ўтказилганидан хабардорсиз. Туман ички ишлар бўлимининг янги бошлиғи Икромжон Тоғаев, ростки, одамнинг жонидек йигит экан. Ҳеч манманликни билмайди. Қишлоқларимизни эринмай айланиб, муаммоларимизни бирма-бир сўраб чиқди. Очқ мулоқотлар ўтказди. Кўп яхши ишларнинг бошида турибди. Юринг, ўзингиз кўрасиз...

Икромжан менга эски коллеж омборидан 30 дона ҳеч ишлатилмаган тикиш машинаси топишгани, дарров тикувчилик цехи очиб, ишсиз хотин-қизларни жалб этишганини айтганим. Чеварлар коллеж биноси ёнидаги бир қаватли иморатда ишлаётган экан. Аввал, қалпоқ, кашта ва бошқа бежирим буюмлар қўйилган кенг хонада чеварлардан – Гулбаҳор Раҳимова, Эсмилраҳма Абдуллаева ўз хунарлари ҳақида гапириб беришди. Қизлар ёшлиқдан тикишга ўргатиларкан. Кашта ёки дўппи тикишни билмайдиганлар йўқ экан. Айни пайтда Шаҳрисабз хунармандлари тиккан кашта, дўппи ва бошқа буюмларни жаҳоннинг кўлаб давлатларида намойиш қилиб келаётган таниқли тадбиркор Юлдуз Мамадиёрова Варганза дўппидўзларини бирлаштириб, алоҳида касаначилик уюмаси тузибди. Айрим мутахассисларнинг айтишича, юртимизда 11 та каштачилик мактаби бор экан. Аммо, Варганза чеварлари кўз нуруни бағишлаган буюмлар уларга ўхшамайди. Анор гуллилари жуда кўп. Варганза дўпписи ироқи қалпоқдан чиройли. Ўсмир ва катта ёшлилар рангбаранг тусдаги дўппиларини фахрланиб кийишади.

— Эски коллежда ишлатилмаган машиналар ҳозирги талабларга тўла жавоб беролмайди, — дейди чеварлар бошлиғи Мафтуна Давлатова. — Шунинг учун ту-

ман ҳокимининг ёрдами билан банкдан 14 фоизли устам асосида 4,5 миллион сўмдан кредит олиб, 7 та замонавий тикиш машинаси сотиб олдик. Қаранг, биз тиккан келин кўйлаклари қанчалик бежирим. Ҳозирча маҳалламиз буюртмачи, кейин харидорларимиз кўпайса, яна бошқа чеварларни ишга оламиз.

Яна бир янгилик шу эканки, коллеж биносига 520 ўринли, машғулотлар ўзбек тилида олиб бориладиган янги мактаб очилибди. Очқ мулоқотларда одамларнинг талабларидан бири шу экан. Республика Халқ таълими вазирлигининг розилиги олиниб, туман ҳокимининг қарори чиқибди. Янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин эканини кўрдик.

— Мен тожикман, сиз ўзбек, аммо дўстбиродаримиз, — дея телефон орқали хушвақт гапиради туман халқ таълими бўлими бошлиғи Овлоқул Авлаев. — Ҳозиргача туманда 90 та мактаб бор эди. Мустақиллик байрами олди яна 5 та янги мактабни очаямиз. Варганзадаги янги мактаб коллеж биносига фаолият кўрсатади. Ўқитувчилар етадими, дейсизми? Тожик тилида машғулот ўтаётган барча муаллимлар ўзбек тилини ўз тиллари каби билишади. Қийналмаймиз...

Овлоқулнинг фикрлари ҳаётнинг ўзи, тил дили боғлайди. Варганзада ўзбек ва тожиклар оила қўриб, аҳил-иноқ яшаб келишяпти. Бундай оилалар жуда кўп. Биз бошлашиб, етмиш икки ёшли Усмон бобо Юсупов хонадонига бордик. Бобо мохир меъморлар сулоласидан экан. Бобоси Бухородаги Ситораи Мохиюс обидасининг бир неча эшигини ясаган экан. Усмон бобо ҳам уй қурувчи уста. Ҳавасимиз келди, кичик ҳовлиси мевага тўла. Ишқомларда узумлар, анча нарида ўнлаб анор дарахти ҳосил тўккан. “Меҳмонларга узум узинг”, дейди ишга кетаётган бобо узр сўраб. Чоқкина дарвозахонадаги кўрпача тўшалган ўриндиққа ўтириб, хонадон бекаси билан суҳбатлашамиз. Олий итхосисли муаллима Фароғат ая Мўминова асли Китоб шаҳрида туғилган ва турмушга чиққач, узок йиллар тожик тилида машғулот ўтиладиган мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келибди. Шу пайт унинг ўн ёшлар чамаси невараси Бахтиёржон ўзбек тилида шеър айтиб юборди:

Истиқлол туйғуси юрагимда қонимдир, Менинг Ватаним Ўзбекистон жонимдир...

— Кўп яша, болам, — дейди қувониб Фароғат ая. — Қишлоқда ўзбек тилини билмайдиган оила йўқ. Мен учун тожик тили ҳам ўз она тилимдек. Оилада олти қизни ўстириб, уйли-жойли қилдик. Яхши набираларимиз

бор. Ҳай, болам, қишлоқда ўзбек мактаби очилиб, хайрли иш бўлибди. Тил дилининг калити, дейдилар. Илоё, юртимизни Оллоҳ ёмон кўзлардан асрасин!

— Илгари тўйхона кургандик, — дейди тадбиркор Бердиали Қўйчиев. — “Муяссар она” фермер хўжалигимиз ихтиёрида 25 гектар ер бор. Анча анор, ёнғоқ экканмиз. Аммо сув чиқариш қийин. Бу масала ҳал бўлса, боғлар кўпаяди. Ростини айтсам, Икром Тоғаевнинг тақлифини анча ўйладим. Анча маблағ керак. Йўқ, ишни бошлаб юбордик, ҳозир янги мактаб учун стадион, усти ёпиқ спорт иншооти қўраямиз. Ниятим шукки, ёшлар ва қишлоқдошларим спорт билан шуғулланишсин.

Маҳалла оқсоқоллари бу саховатли тадбиркор эски қабрстонни ободонлаштириш ишларига ҳам бош қўшгани, 1946 йилда илк дафн этилган, аммо қаровсиз ётган марҳумнинг қабрига ёдгорлик тоши ўрнатиб, савобга қолганини алқаб айтишди. Тадбиркорга омад тиладим. Изимизга қайтиб, Китоб шаҳрига келганимда ички ишлар бўлими бошлиғи Икром Тоғаев қабулхонада фуқароларни тинглаётган экан. Кутдим ва илгари Паландара хўжалиғига қараган тоғ қишлоқларида, хусусан, Кўхсор ҚФЙда ҳам бўлганимни айтдим, муаммолар ҳақида гапириб бердим.

— Тўғри, бу қишлоқлар ҳам учинчи секторга қарайди, — дейди Икром Тоғаев. — Сиз қўрган Катлос қишлоғида тадбиркор Шерали Ражабов бу йил 6,5 минг аҳоли учун тиббиёт биноси қўриб бергани рост. Мен ўша тадбиркорни яна ўз қишлоғи Катлосга чақирдим, у Тошкент шаҳрида яшар экан. Суҳбатлашдик, кенгашдик. Ҳозир у туғилиб ўсган қишлоғида стадион, ёпиқ спорт иншооти қўрапти. Бошқа режалари ҳам бор. Яна бир янгилик. Бир неча йил бурун Президентимиз Фармони билан Жовуз қишлоғидаги геологик кўриқхона миллий боққа айлантирилган эди. Анча ишлар амалга ошган, бироқ тоғ йўли носоз. Ҳозир лойиҳа тайёр, маблағ ажратилган, тез кунда янги йўл қурилиши бошланиб кетади. Туристар ташриф буюради, янги иш ўринлари очилади. Биласизми, ўзим фўзорликман, ободончилик жону дилим. Фахрланиб айта оламани, Ички ишлар вазирлигимиз юртимиз ободлиғига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Энди камчиликларимиз ҳам кўп. Ниятимиз уларни бартараф этиш, халқимизга муносиб бўлиш...

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

“МЕҲНАТ ОРТИДАН МЕҲР ВА ҲУРМАТ ТОПДИМ”

Шундай инсонлар борки, ҳаётини меҳнатга бахшида этиб, умр мазмунини шундан топишади. Эргаш Холқосимов шунча самимий инсонлардан бири, Ўзбекистон ХДП фахрийси. Узок йиллар “Ўзавторемонт” республика бирлашмасига қарашли 10-авторемонт заводида муҳандислик қилган фидойи инсон аввал “Тепловоз-вагон” заводида уста дурадгор, кейин чилангар бўлиб ишлаган. Машиналарга ишқи тушиб, автомобиль ремонт заводида ишлаб юриб, сиртдан Тошкент политехника институтининг автотранспорт факультетида ўқиб, дипломли бўлди.

Ҳар бир инсоннинг бошқаларга намуна бўладиган бирон бир жиҳати бўлади. Меҳнат қилган жамоасида ўзига хос ўрин қолдириб, атрофдагилар меҳрини, ҳурматини қозонади.

— Эргашда кузатувчанлик бор, яхши тинглаш, англаш ва амалиётга қўл уришни ўрнига қўяди, — дейди меҳнат фахрийси Фурқат Каримов. — Ҳар бир ишда бўлгани каби бизнинг соҳада ҳам турли чизмаларни ўрганиш талаб қилинади. У ажойиб инсон, қобилиятли ходим сифатида устоз ўғитларига амал қилиб чизмалар техниканинг тили экан, деган хулосага келган эди. Турли чизма лойиҳаларни яхши ўрганиб, ама-



лиётга дадил қўллаб билгани учун ҳам цех бошлиғи лавозимида узок йиллар самарали меҳнат қилди. Бугун унинг ишларини шогирдлари давом эттиряпти.

— Ҳар қалай ўқиси ва ўқишда гап кўп экан. Нега десангиз, илгари Эргаш ҳам кўп қатори оддий ишчи эди, — дейди меҳнат фахрийси Борис Мельниченко. — Қўлига инженер механик дипломи олдандан кейин унинг меҳнатга, касбга бўлган

муносабатида ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Айниқса, жамоадорлари назарига тушиши ўз самарасини берди. Ҳамма хайрихоҳлик билан унинг номзодини кўрсатган, туман Кенгаши депутатлиғига сайланди. Ишимизнинг энг нозик ва қийин жиҳатларидан бири яъни, автомобиль моторининг тирсақли валларига кучли электр иссиқлиги ёрдамида ишлов бериш мураккаб технология ҳисобланади. Эргаш ана шундай иш жараёнида жонбоз-

лик кўрсатгани учун ҳам созлаган моторларимизга жойлардан деярли эътирозлар бўлмади. Мухими, касбдошларнинг унга эргашини, умумманфаатга хизмат қилар, меҳнат унвондорлиғида сезиларли ўзгаришлар юзга келарди.

— Халқ демократик партиясига аъзо эканимдан фахрланаман. Боиси, ЎзХДП дастурларининг асл моҳияти ижтимоий ҳимоядан иборат, — дейди Эргаш Холқосимов. — Қўлингизда партияга аъзолик гувоҳномаси тураркан, масъулиятни ҳис этиб, ўзи билмаган ҳолда ишдаю оилада намунали бўлишга нитиларкан, киши. Мени олий маълумотли инженер-механик сифатида Тошкент тажриба ремонт заводининг аккумуляторларни таъмирлаш бўлимида ишлашимни лозим топишди. Оғир ва зарарли соҳа эканлигини билардим. Начора, дедиму, ишга астойдил киришиб кетдим. Қўшни Қозоғистон, Россия томонларда сафарда бўлиб, иш ўрганиб тажриба орттиришга тўғри келди. Ўша ерлардан шартнома асосида келтирилган сифатли эҳтиёт қисмлар эвазига унвондорлик ортиб, ойлиқларимиз кўпайди. Меҳнатларим зое кетмади. “Фахрий автотранспортчи” унвони билан “Жигули” энгил машинасию моддий кўмаклар ҳам бўлди. Сурагим хурмат тахтасидан тушмади...

Афсуски, унинг соғлиги кундан кунга ёмонлаша бошлади. Аккумуляторларни созлашда ишлатиладиган зарарли суюқликдан кўтарилиган ачимсиқ ҳаво ўз ишини қилган эди. У муддатидан беш йил аввал нафақага чиқишга мажбур бўлди. Албатта, соғайиб сафга қайтди. Бошқа фойдали ишлар билан шуғуллана бошлади. Ҳокимлик ташаббуси билан Ўчтепа тумани тарихига бағишланган ижтимоий-маънавий китобнинг юзга келишида жонбозлик кўрсатди. Маҳалладоши Қобил Қодиров ғайрати билан бошланган хайрли иш – Катта Қашни маҳалласини ташкил қилишда фаол бўлди. Аввал кўча сардори, кейин маҳалла нурунийлар кенгаши раиси этиб сайлашди. Оилапарвар инсон, ўғил-қизлари илмли, набиралари парвона.

Унинг бир армони бор, у ҳам бўлса, акаси Жўравойнинг хотирасини улуглаш. Суратли альбомни кўп нусхада тайёрлаш учун буюртма бериб қўйган. Акаси ёзган китоблар, турли мукофотлар, ёзишма хатлар ва бошқа нарсалар билан бир хонани жиҳозлашни ният қилган. Бу фидойи инсоннинг орзу-мақсадлари ҳам ўзи каби хокисор, умр йўли каби самимий, бебаҳо. Уларнинг рўёбига биз ҳам тилақдошмиз.

Ҳайдар НОСИРОВ,
меҳнат фахрийси.



САМАРҚАНД ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

САМАРҚАНД ҲАҚИДА СЎЗ
ОЧИЛГАНДА, ШАҲАРНИНГ КЎҲНА
ОБИДАЛАРИ ТОМОША ҚИЛИНГАНДА,
БЕИХТИЁР ТАРИХГА, УЗОҚ ЎТМИШГА
МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ. АНА ШУНДА
ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА БУЮКЛАР – ОЛИМУ
ФУЗАЛОЛАР, АВЛИЁЮ АНБИЁЛАР
БИЛАН "СУҲБАТГА КИРИШИЛАДИ", БУ
ТАБАРРУК ТУПРОҚНИНГ ҲАР ҚАДАМИДА,
ҲАР СИҚИМИДА ИЛОҲИЙЛИК ҲИС
ЭТИЛАДИ, УНДА ЯШАБ ЎТГАН
ОТА-БОБОЛАРНИНГ АҚЛ-ЗАКОВАТИГА,
АЖДОДЛАР ТОМОНИДАН НАҚАДАР
БОЙ МЕРОС ҚОЛДИРИЛГАНИГА ИМОН
КЕЛТИРИЛАДИ.

Бу қадим юртнинг ўтмишига эътиборсиз қарашнинг, салобату салоҳиятига бефарқ бўлишнинг имкони йўқ. Шундоққина қаршингда кўкка бўй чўзиб турган минораларга қараб, хаёлга чўммасдан, ҳайратга тушмасдан, эҳтиросга берилмасдан бўлмайди. Негаки, бу юрт хаёлотлар, эҳтирослар, эътибору эҳтиромларнинг ҳақиқий дунёси. Ўтмишда бу юртга узоқ ўлкалардан не-не улуглар, қанчадан-қанча амиру арконлар интилишмаган, бир сиқим тупроғини тавоф этишмаган.

Самарқанднинг улуглиги, машҳурлиги нимда? Нега бу заминга дунё аҳли бир умр интилиб яшаган?

Бу саволларга жавоблар аниқ, энди уларга қўшимча бўлаётган саволларга ҳам асрлардан буён дунё аҳлини лол қолдириб келаётган қадимий Самарқанддаги оламшумул ўзгаришлар, бунёдкорлиги, ободонлаштиришлар, хусусан, барпо этилаётган янги-янги замонавий иншоотлар, турар жой бинолари, мукамал таъмирланаётган осори-атиқалар, одамлар кайфиятидаги ўзгаришлар, хорижлик сайёҳлар оқимининг кун сайин ошиб бораётганининг ўзиёқ бундай саволларга ойдинлик киритмоқда.

Аждодларимизнинг кўҳна тарих шодасидан қандай ўрин эгаллаганини, етти иқлимга доғ таратган кўҳна Туркистон суҳратини, муқтажлик даврида тобора ривожланиб бораётган Янги Ўзбекистон шижоатини бугунги амриқолиги европалик, африкалиги осийлик, яшил қитъа аталмиш австралияликлар ҳам яхши билишади. Уларнинг бу гўзал юрт билан дўстона алоқалари, ҳамкорликлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Кўҳна Самарқанд тарихида яна бир янги саҳифа очилди. Шу йил 23 август куни шаҳар билан ёндош бўлган ҳудудда "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази очилди. Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди. Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад ростирилган мана шундай замонавий улугвор маъмурий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Самарқанд миллий давлатчилигимизга асос бўлган, ҳар иккала Ренессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Буни бутун дунё эътироф этади. Дунё аҳлининг Самарқандга ташрифидан асосий мақсади бу заминдаги кўҳна обидаларни кўриш ва табаррук жойларни зиёрат қилишга қаратилган. Лекин туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар эса Самарқанддек донғи дунёга дoston шаҳарда шу пайтгача барпо этилмаган эди.

Президент ташаббуси туфайли бунёд этилган янги туризм марказининг муҳимлигини ҳудуддаги барча раҳбарлар тадбиркорлар, бутун Самарқанд аҳли теран англади.

2019 йилда жуда катта кўламдаги лойиҳа ишларини амалга ошириш йўлида илк қадам ташланганди. Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида улкан мажмуа қуришга киришилди. Бунёдкорлик ишлари учун 212 гектарлик майдон танланганди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш майдонига бир неча бор келиб, қурилиш лойиҳасини миллий меъморчилик аъёналари асосида тақомиллаштириш, одамларга қулайлик яратиш юзасидан қимматли маслаҳатларини берганди. Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатлардан етук мутахассислар жалб этилиб, мамлакатимизнинг малакали қурувчилари улар билан ҳамкорликда иш олиб борди.

Ишни жадалкорликда ташкил этиш, қисқа муддатда мақсадга эришишга пандемия даври



» **Дунё аҳлининг Самарқандга ташрифидан асосий мақсади бу заминдаги кўҳна обидаларни кўриш ва табаррук жойларни зиёрат қилишга қаратилган. Лекин туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар эса Самарқанддек донғи дунёга дoston шаҳарда шу пайтгача барпо этилмаган эди.**

жиддий таъсир кўрсатди, қатор қийинчиликларга дуч келинди. Лекин эзгулик йўлидаги ҳаракатлар, зиммадаги масъулият, юртга бўлган муҳаббат ҳар қандай мушкулликлардан устун келди. Кўп тармоқли замонавий мажмуа таркибиде 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўплаб иншоотлар барпо этилди.

Мамлакатимиз Президенти таъбири билан айтилганда, эндиликда бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъёналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда хозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади.

Филология фанлари доктори, СамДУ профессори Муслихиддин Мухиддинов янги халқаро туризм маркази очилиши маросимидан олган таассуротлари ҳақида шундай дейди:

– Мамлакатимиз халқи Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Иқтисодда, маданияту маънавиятда, барча-барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, кўлга киритилаётган муваффақиятларнинг замирида мамлакатдаги тинчлик-тотувлик, оқилона бошқарув, халқимизнинг фидокорона меҳнати, энг асосийси, одамларнинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, дунёқарашининг бутунлай ўзгариши каби эзгу хислатлар мужассам. Бутун умримни фан соҳасига бахшида этдим, десам муболага бўлмайди.

Аллақачон пенсия ёшига етган бўлсам-да, тарихи узоқ мозийга бориб тақалувчи СамДуда фаолият кўрсатаёяман. Шукрки, дорилфунун олимлари сафидаман. Университетдаги, Самарқанддек буюк шаҳардаги кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳиман. "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказининг очилиши эса мен гувоҳ бўлган ана шундай ўзгаришларнинг энг эътиборлиларидан бири.

Авалло, марказнинг номланиши ҳақида.

Унинг "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази деб аталишида чуқур маъно бор. Марказнинг очилиш маросимида иштирок этиб, Президентимиз билан учрашганимизда, нутқларини тинглаганимизда номланиш юзасидан менинг қалбимда ҳеч қандай савол қолмади. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари содда ва раво ташунтириб берди.

Бу ерда ўша даврга оид тарихий манзаралар акс эттирилган. "Боқий шаҳар" мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корей, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

– Мустақиллик байрами арафасида вилоятимизда жуда кўплаб ўзгаришлар бўлмоқда. Бунга мисол қилиб яқинда очилган «Буюк ипак йўли» халқаро туризм марказини келтиришимиз мумкин. Унинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари ҳам иштирок этди. Президентимизнинг нутқларини телевизордан кузатдик. Насиб бўлса, Самарқанд шаҳрига саёхатларга борадиган бўлсам, у ерларни ҳам томоша қилиб келаёяман. Шу фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан чин юракдан табриклайман, – дейди меҳнат фахрийси Мусират Саидова. – Марказнинг "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази, деб аталиши, "Боқий шаҳар" мажмуаси деворларининг тарихий тасвирлар билан безатилиши, уларнинг мажмуага холдек ярашиб тушганлигининг ўзиёқ ноининг бежизга танланмаганини кўрсатади. Асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Қадимий Самарқанд эса Буюк ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлган. Бу эса номланишининг энг асосий сабабларидан бири.

– Самарқандимизда бўлаётган ўзгаришлар бизнинг туманни ҳам четлаб ўтгани йўқ, – дейди Нуробод тумани маҳалла жамғармаси

масъул ходими Орол Тожиев. – Янги боғча, мактаб, спорт заллари қурилмоқда. Йўллар таъмирланяпти. Самарқанднинг эса тобора туризм марказига айланиб бориши эса шу ерда яшовчи ҳар қандай инсонда фахр туйғусини уйғотади. «Буюк ипак йўли» халқаро туризм марказининг очилиши ҳам бу йўлда ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди, менимча.

– Ушбу халқаро туризм маркази биргина Самарқанддек кўҳна шаҳар учун эмас, бутун Ўзбекистоннинг ёрқин келажги учун хизмат қилишига шубҳа йўқ, – дея ўз фикрларини изҳор этади англиялик сайёҳ Эллиот Морган. – Бу ерда қадимий бозор, 40 та хунармандчилик устахонаси ташкил этилибди. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларни сайёҳларга намойиш этишаркан. Бу Самарқандда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасидаги улкан ишларнинг бир қисми. Ўзбекистон Президентининг марказининг очилиш маросимидаги нутқидан англадикки, янги туризм маркази кейинги йилларда Самарқандга келадиган хорижий сайёҳлар сонини 1,5 миллиондан оширишда муҳим ўрин тутаркан. Кейинчалик эса бу рақамнинг 9 миллионга етказилиши мақсад қилинибди. Мен бу ердаги замонавий меҳмонхоналар ва бошқа иншоотларнинг қурилиши, безатилишини юқори баҳолаган бўлардим. Уларда ҳамма шароитлар муҳайё этилган.

Ўзбекистон Президенти марказининг очилиш маросимидаги нутқиде Буюк ипак йўли орқали ривожланган тарихий аъёналарни бугун тарққиб, маданият ва ҳамкорлик йўли сифатида қайта тиклашга интилиш ҳақида тўхталди. Шу мақсадда дунё ҳамжамияти билан турли соҳалардаги алоқаларни кучайтириш, мамлакатга замонавий илм-фан ютуқлари, инвестициялар, янги илғор фойлар кириб келиши учун шароит яратилаётгани ҳақида гапирди. "Буюк ипак йўли" мажмуаси Ўзбекистоннинг дунёга кенг очилаётган яна бир дарвозаси эканлиги тўғрисидаги фикрларини айтди. Ана шу фикрларнинг ўзиёқ келажақда мазкур марказ ўрни ниҳоятда катта бўлишини аниқлатади.

Мен Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази – "Боқий шаҳар" мажмуасида амалга оширилаётган эзгу ишлар фақат Самарқандгагина эмас, бутун Ўзбекистонга, қолаверса, сайёрамиздаги барча давлатлар учун фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Гўлзода НЕГМАТОВА,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, вилоят эндокринология шифохонаси бош врач:

– Самарқандни йирик туризм марказига айлантиришда "Боқий шаҳар" меъморий ансамбли алоҳида муҳим ўрин тутади. У келгусида бутун Самарқанднинг ўзига хос "таширф қоғози"га айланади, деб ишонаман.

Бу мамлакатимиз Президентининг "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказининг очилиш маросимида айтган сўзлари. Демак, бу марказнинг истиқболи порлоқ, бу ерда ишлайдиганлар, хорижликлар билан ҳамкорлик қиладиганларнинг икболи баланд.

Депутат сифатида аҳолининг турмуш тарзига эътибор қаратаман. Тан олишимиз керак. Ҳамма бирдек эмас. Яхши яшаётганлар ҳам, қийналиб ҳаёт кечирётганлар ҳам бор. Аслида ҳаёт тақозоси шу. Ҳамманинг бирдек бўлишини тасаввур этишининг ўзи қийин. Кўнгилдагидек ҳаётни қуриш учун эса энг аввало, меҳнат, ақлий салоҳият керак.

Халқ демократик партияси аъзоси, шу партиядан сайланган депутат сифатида доим одамлар бандлиги, уларнинг фаровонлигини ўйлайман. Бу ҳақда ўзимча имкониятлар излайман.

Самарқандда "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказининг йўлга қўйилгани аҳоли учун қўшимча иш ўринларининг яратилишига имконият яратади. Дастлабки маълумотларга қараганда, Самарқандда туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар сони 500 нафардан ошади.

Хўш, улар қимлар бўлади?

Албатта, самарқандликлар.

Бу албатта, "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказининг очилиши шарофати.

Ўзим меҳнат қилаётган касалхонага шифо истаб келаётганлар билан суҳбатлашаман. Дори-дармонга зориққанлар, ночор турмуш кечираётганлари қанча. Аммо қанчалик куюнма, жон кудирма, ҳаммага бирдек ёрдам бериш қийин. Депутат эса бундай муаммоларнинг йўлини топиш учун курашиши, ҳаракат қилиши керак.

"Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказига ўхшаш жойлар эса бундай муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда, Самарқанддек кутлуг шаҳарда бундай марказнинг ишга туширилгани барчамизнинг кўнглимиздаги гап бўлди.

Абдурасул САТТАРОВ.





TABRIKLAR

t.me/uzbekistonovozisi facebook.com/uzbekistonovozisi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БАЙРАМНИ МУНОСИБ НИШОНЛАДИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги Нурафшон шаҳрида барпо этилган муҳташам амфитеатрда Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишлаб байрам тадбири ўтказди. Аввало байрамдан кейин Тошкент вилоятининг кўркам марказидаги қурилиш, бунёдкорликлардан қувондик.

Байрам тантанасида Давлат мадҳияси янгради. Барча фахр ва ифтихор билан мадҳиямиз садоларига жўр бўлди. Иштирокчилар орасида эл-юрт хизматида бўлган турли соҳа вакиллари — қурувчи, йўлсозлар, сувчилар, қўйинги, турмушимизда камарбаста бўлиб келаётган меҳнаткаш, танти ва самимий инсонлар ютуқларида муносиб ҳиссалари борлигини қалбдан хис этган ҳолда истиқлол шодиёнасини бирга нишонлашди.

Табрик сўзида Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев вилоят аҳолисини энг азиз, энг улуғ байрам билан самимий табриклади. Худуднинг меҳнаткаш ва олижаноб, кўп миллатли, аҳил-иноқ аҳолиси турли жабҳаларда қўлга киритган ютуқларни мамнуният билан санаб ўтди.

– Узининг шонли ўтмишида кўплаб алломаларга, Шайх Умар Вали, Занги Ота, Хўжа Аҳрор Валий каби буюк зотлар қўним топган муқаддас замин барчамиз учун қадрлидир, – дейди Зойир Мирзаев. – Адабиёт ва журналистикада ўзларининг мактабини яратган Сидикий Хондайлиқий, Элбек, Оқилхон Шарофиддинов, Музаёна Алавияларга бешик бўлган зиёлилар маскани, қишлоқ ҳўжалигида заҳматли меҳнати самарасида “Тошкент технологияси”ни яратган Турсуноў Охунова, Ҳамроқул Турсунқулов, Мирзамаҳмуд Мусахонов, Ризамат ота Мусамухамедов, Зайниддин Фахриддинов, Маҳмуд Мирзаев, металлургия ва тоғ-кон саноатининг илғор вакили бўлмиш Абдурахмон Абдураззоқов каби вилоятимизнинг атоқли фарзандларини фахр ва ифти-

хор билан эслаймиз. Биз баралла айта оламизки, анъаналар бугун ҳам давом этмоқда, бугун барча соҳаларда вилоятимизнинг ўз ўрни ва салмоғи бор.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда 47 мингга яқин кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган, банд аҳолининг 71,1 фоизи айнан шу соҳада фаолият юритади. Беш йилда ялпи худудий маҳсулотда кичик тадбиркорликнинг улуши 5,3 фоизга кўпайиб, 45 фоиздан ошди. Жорий йилда 1 триллион 420 миллиард сўм давлат инвестиция маблағлари эвазига 155 та ижтимоий муассасалар, жумладан, 92 та мактаб, 43 та мактабгача таълим муассасалари, 17 та тиббиёт, 3 та спорт ва бошқа объектлар янгидан қурилди ва таъмирланди. Жами 9 минг 169 та хонадонларни жамлаган 222 та кўп қаватли уйлар қурилмоқда, 1 минг 62 километр ички хўжалик ва магистрал йўллар, 19 та кўприкни таъмирлаш, 102 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ишлари олиб борилмоқда. 403,7 миллиард сўм давлат маблағлари ҳисобига 44 та маҳалла “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида ободонлаштирилмоқда. Умуман олганда, бу каби кўплаб соҳаларда сарҳисоб қилишга арзигулик ишлар қилинмоқда.

Байрам дастурида вилоят аҳли йиллар давомида босиб ўтган синовли йўллардан тортиб, халқимизнинг фахрийтихорига айланган Тошкент вилояти фарзандлари хотираси бирма-бир эслангани иштирокчиларга манзур бўлди. Спортчилар, қувноқ болажонлар, тинчлигимиз посбонларининг кўргазмали чиқишлари барчага ўзгача завқ бағишлади. Айниқса, байрамона кайфият эстрада хонандаларининг чиқишларидан сўнг янада қизиди. Байрам салюти ҳиссиётларнинг, шукроналикнинг энг чўққиси бўлди.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Agrobank

«Agrobank» ATB jamoasi
yurtdoshlarimizni
O'zbekiston Respublikasi
Mustaqilligining 31 yilligi
bilan tabriklaydi!

*Barchangizga sihat-salomatlik,
oilangizga qut-baraka tilaymiz,
yurtimiz tinch, osmonimiz
musaffo bo'lsin!*

1216

Xizmatlar litsenziyalangan

ТУШУНАРЛИ БЎЛМАСА, ҲУЖЖАТНИНГ ҲУЖЖАТЛИГИ ҚОЛМАЙДИ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ФУҚАРОЛАР ЯНАДА СОДДАРОҚ ТАРЗДА ТУШУНИШЛАРИ УЧУН БИР ҚАНЧА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрда қабул қилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан келгуси йил 1 январдан бошлаб лойиҳа ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лойиҳа матни давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида лингвистик экспертизадан ўтказилади.

Ҳужжатга кўра, лингвистик экспертиза лойиҳани ишлаб чиқувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан амалга оширилади.

Лингвистик экспертиза ўзи нима? Бу ҳужжат лойиҳаси матнининг давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини мутахассис томонидан ўрганилиши ҳисобланади.

Қолаверса, у тақдим этилган лойиҳа матнининг давлат тили, имло, услубий, грамматик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлигини текшириш, матн аниқ ва тушунарли баён қилингани, сўз бирикмалари тўғри танлангани ҳамда ўзаро тўғри боғланганига баҳо бериш, янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилишини текшириш ҳамда мантиқий, таҳририй хато-камчиликларни

бартараф этишга йўналтирилган таъсияларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Лойиҳа матни лингвистик экспертизадан жумлалар соддалиги ва қисқалиги, таърифларнинг аниқлиги, имло, услубий, грамматик ва орфография қоидаларига мослиги, янги атамалар, шунингдек, соҳа атамаларининг тўғри қўлланганлиги, сўз бирикмаларининг ўзаро тўғри боғланганлиги, баёнининг тизимлилиги ва ифодали кетма-кетлиги каби талаблар асосида ўтказилади.

Лойиҳада унга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда озгаки нутқ шакллари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари, эскирган ҳамда кўп маънони англайдиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар ва қисқартмалар қўлланилишига йўл қўйилмайди. Умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташиқлотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно.

Лингвистик экспертиза хулосасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, тегишли тузатишлар киритиш, матни қисқартириш, қайта ишлаш бўйича аниқ таъсиялар кўрсатилади. Хулоса маслаҳатчи ёхуд мутахассис томонидан имзоланади ва унинг сифати учун жавобгар ҳисобланади. Лойиҳани ишлаб чиқувчи таъсиялар асосида лойиҳа матнини қайта кўриб чиқиш ҳамда келишиш учун вазирлик ва идораларга юборлади.

Бунёд САМИЕВ,
Учтепа туман адлия бўлими
юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юриконсулти.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мустақиллик байрами билан табриқлаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоэлектронлиқлар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.	Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.	Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.	Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.	Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.	



Asakabank

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

"АСАКАБАНК" АКЦИАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ СИЗЛАРНИ
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ОИЛАНГИЗГА ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК,
ФАРОВОНЛИК ВА ИШЛАРИНГИЗДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

“АСАКАБАНК” АЖ ЖАМОАСИ

Хизматлар лицензияланган.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
31 йиллик шодиёнаси билан
юртдошларимизни, шунингдек,
таълим соҳасида меҳнат
қилаётган барча ўқитувчи ва
мураббийларни
ҳамда талабаларни самимий
муборакбод этади!**





QQB | QISHLOQQURILISHBANK

31
yil



*Mustaqillik
bayrami muborak bolsin!*

☎ 1254

🌐 qqb.uz

📍 @qqbank



**Халқимизни Ўзбекистон
Республикаси
Мустақиллигининг
31 йиллиги билан
муборакбод этамиз!**

**Юртимизни тинчлик,
қалбларимизни
шукроналик туйғулари
асло тарк этмасин!**

**«O'ZSANOATQURILISHBANK» АТБ
ЖАМОАСИ**

Хизматлар лицензияланган.



«ХОРАЗМ VILOYATI QURILISH SOHASIDAGI HUDUDIY NAZORAT INSPEKSIYASI»

ЖАМОАСИ

**азиз юрtdошларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг 31 йиллиги билан
қизгин табриклайди!
Давлатимиз равнақи, юртимиз
ободлиги йўлида олиб бораётган
ишларингизда улкан муваффақиятлар
тилайди!**

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 941. 1850 nusxada bosildi. O'zA yakuni — 03:40
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 02:10
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



**O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI**

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA